

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Муҳаммадиев Муҳибилло
Тилларда тарнспозиция ҳодисаси
(араб, инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)



Илмий раҳбар:
ф.ф.н., доц. А.Раҳимов

Самарқанд – 2013

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти умумий ва амалий тилшунослик кафедрасида бажарилди.

Расмий тақризчи:

филология фанлари номзоди,
Ғ.Мирсанов

Ҳимоя Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида тузилган магистрлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича ихтисослашган комиссиянинг 2013 йил 23 июнь куни ўтадиган мажлисида бўлади.

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институти ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.

Мундарижа:

Кириш.....	4
1-боб. Лисоний деривация ва транспозиция муносабати.....	5
2.1. Транспозиция ҳодисасининг лингвистик талқини.....	26
2.2. Транспозициянинг лексик деривация муносабати.....	31
2.3. Транспозициянинг семантик деривация муносабати.....	36
2.4. Конверсия ҳодисасининг лингвистик талқинлари ҳақида.....	39
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	45
3-боб. Лексик конверсия ва унинг воқеланиши.....	46
3.1. Лексик бирликларнинг конверсия таъсирида функционал-семантик кўчиши.	46
3.2. Конверсия гибрид структурали композит маънони вужудга келтирувчи восита сифатида.....	65
Учинчи боб бўйича хулоса.....	70
Умумий хулосалар.....	72
Фойдалинилган адабиётлар рўйхати.....	79

Кириш

Ҳар бир фан соҳаси орқали илгари сурилган илмий ғоя мамлакат манфаатларига монанд бўлгандагина ўз кадрига эга бўлади. Сир эмаски, халқимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши мамлакатимизда хорижий тиллар бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёнинг кескин ошишига сабаб бўлди. Ана шуни эътиборга олиб, юртбошимиз И.А.Каримов ўз нутқларида: "...замонавий фан тараққиётининг асосий йўналиши жаҳон миқёсига чиққан тилларни билишни тақозо этади. Биз инглиз, француз, немис, испан тилларини ва бошқа тилларни билишни бутун чоралар билан рағбатлантиришимиз лозим", - деб таъкидлаган эдилар (И.А.Каримов. 2012:93). Орадан кўп ўтмай, "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги (ПҚ-1875- сонли) қарор эълон қилинди. Мазкур қарор биз каби ёш тилшунослар зиммасига хорижий тилларни ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан пухта эгаллашдек улкан масъулиятни юклайди.

Мавзунинг долзарблиги. Тилшуносликда сўз ясалиши деб юритилувчи алоҳида соҳанинг мақсади сўз яшаш экани маълум. Инсонга хос ижодкорлик қобилиятининг муҳим таркибий қисми бўлган номлаш жараёни ҳар доим ҳам ясама сўз мақомидаги бирликлар ҳисобига қондирилмайди. Бундай эҳтиёж туғилганда сўз яшаш билан бир қаторда, маъно яшашга ҳам мурожаат қилинади. Шунинг учун ҳам бу соҳада амалга оширилаётган кейинги ишларда сўз ясалишига нисбатан қамрови кенгроқ бўлган деривация терминига мурожаат қилинмоқда.

Гарчи дериватология бўйича анчагина кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган бўлса ҳам, маъно ясалишини ўзида акс эттирувчи семантик деривация ҳодисаси етарлича ўрганилган деб бўлмайди. Хусусан, лисоний деривация ва транспозиция муносабати ана шундай муаммолардан биридир. Ушбу ишда мазкур мавзуни ёритиш мақсадида араб, инглиз ва ўзбек тилига доир тил фактлари қиёсига таянилди. Зеро, хорижий тилларни пухта эгаллашда қиёсий таҳлил усуллари алоҳида ўринга эгаллиги ҳеч кимда шубҳа

уйғотмайди. Ана шу жиҳатлар мазкур битирув малакавий иш мавзусининг долзарблигини белгилашга хизмат қилади.

Мавзунинг тадқиқ даражаси. Дериваталогик тадқиқотларнинг бошланиши Е.Куриловчининг номи билан боғлиқ эканлиги маълум. Бироқ бу ҳодисанинг кейинги ривож ва замонавий тақомилида С.Д. Кацнельсон, У.Л. Чейф, Л.Н.Мурзин, Р.З. Мурясков, О.Д.Мешков, **В.М. Никитич**, Г.И. Кустева, Н.Д. Голев, Е.В. Падучева каби ғарб тилшунослари билан бир қаторда, Н.Қ.Турниёзовнинг илмий раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ғарчи мазкур ишларда деривацион ҳодисаларнинг амалий кўламини белгилаш, унинг воқеланиш механизмларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш бўйича эътиборли натижалар кўзга ташланса ҳам, уларда ҳодисанинг систем-структур талабларга кўра тил ва нутққа хос типларини фарқлаш борасида муайян ҳулосалар кузатилмайди. Ана шуларни эътиборга олиб, ушбу ишда А.Раҳимов томонидан илгари сурилган лингвистик деривация ва унинг лисоний ҳамда нутқий типларига доир қарашига таянишни лозим топдик. Бинобарин, ушбу БМИ мавзуси орқали кўтарилаётган масала, туб моҳияти билан, тилга хос деривация ҳодисаларидан бири бўлган семантик деривацияга олиб келувчи қонуниятларни ўзида акс эттиради. Ушбу мавзусининг марказий объекти бўлган транспозиция талқинида эса, Е.С.Кубрякова, У.Л. Чейф ва М.В. Никитен каби олимларнинг фикрлари асос қилиб олинди. Шунингдек, ишда Н.Хомскийнинг генератив грамматикага оид қарашлари, С.Д. Кацнельсон, Ш.Балли, И.Қўчқартоев, М.М. Миртожиев каби тилшунослар томонидан илгари сурилган лингвистик валентлик назариясига доир илмий қарашларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, транспозиция асосида содир бўладиган семантик деривация ҳодисасининг функционал-семантик тавсифини яратишга ҳаракат қилинди.

МДнинг мақсад ва вазифалари. БМИ мавзуси орқали қўйилган мақсадлардан бири: кўчиш билан боғлиқ ҳодисаларни муайян бир мавзу,

яъни тарнспозиция доирасида бирлаштириб ўрганишдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

1) мавжуд манбаларга таянган ҳолда лисоний деривациянинг воқеланиш механизмларини нутқий деривация билан қиёсий тавсифлаш;

2) лисоний деривациянинг лексик ва семантик типларини вужудга келтирувчи моделларни қиёсий ўрганиш;

3) лисоний деривация ҳодисаларида содир бўладиган транспозитив кўчиш кўлами, механизмлари ва сабабларини аниқлаш;

4) транспозиция таъсирида содир бўладиган лисоний деривацион ҳодисаларнинг ички таснифини амалга ошириш;

5) тарнспозиция ва семантик деривация ҳодисасини лексик конверсия мисолида таҳлил қилиш.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий аҳамияти лисоний деривациянинг воқеланишида транспозиция ҳодисасининг ўрнига доир мавжуд қарашларни бир мавзу доирасида жамланиши ва араб, инглиз, ўзбек тилларидаги тил фактлари мисолида далилланиши орқали кўзга ташланади. Унда тўпланган маълумотлардан сўз ясалиши ва лексикология соҳалари бўйича яратилажак дарслик ва қўлланмаларда, махсус курслар ташкил этишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг материали ва манбаи. БМИнинг асосий материални араб, ўзбек, инглиз тилларига доир изоҳли луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларида келтирилган фактик материаллар ташкил этади.

Ишнинг методологик асослари ва методлари. БМИнинг методологик асосини мустақиллик йилларида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эътибор, унинг мақсад ва моҳияти ташкил қилади. Ана шунга монанд равишда тил тизими ва уни ташкил этувчи унсурларнинг диалектик тараққиётда эканлигини акс эттирувчи фалсафий қарашлар, тил ва нутқ ҳодисаларини изчил фарқлашга асосланган систем-структур тавсифга доир илмий-назарий қарашлар, луғавий бирликларини компонент ва қиёсий тавсифлаш усулларида кенг фойдаланилди.

Ишнинг тузилиши. БМИ кириш, икки боб, хулоса ҳамда
фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 66 бет.

БИРИНЧИ БОБ

ЛИСОНИЙ ДЕРИВАЦИЯ ВА ТРАНСПОЗИЦИЯ МУНОСАБАТИ

1.1. Транспозиция ҳодисасининг лингвистик талқини. Маълумки, сўз ясаши баҳсида семантик силжиш, кўчиш билан боғлиқ булган ҳодисалар семантик (лексик-семантик) усул доирасида бирлаштирилади. Бу усулнинг воқеланиши метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби ҳодисалар билан бирга конверсия орқали ўз ифодасини топиши қайд этилади¹.

Ўз навбатида, бу ҳодиса дериватологик тадқиқотларда семантик деривация термини билан ҳам юритилади. Семантик деривациядан кўзланадиган асосий мақсад эса, С.Д. Кацнельсон томонидан қайд этилганидек, «сўз яшаш эмас, балки (*семаобразование*) *маъно яшайдир*»дир².

Дарҳақиқат, маъно ясаши ҳар доим сўз ясашига олиб келмаганидек, унинг воқеланишини тилнинг ички қонуниятлари билан ҳам боғлаб бўлмайди. Чунки бу ҳодисанинг муайян бир қисми экстралингвистик омиллар таъсирида содир бўлса, бошқа бир қисми нутқ – тил муносабатини ўзида акс эттирувчи синтактик қонуниятлар талаби билан боғланади. Ана шу хусусиятлар транспозицияни лексик деривацияга нисбатан семантик деривацияга яқинроқ туришидан далолат беради.

Тилшуносликка доир манбада қайд этилишича, транспозиция (лотинча *transposition*) термини тил бирликларининг “ўрнини алмаштириш, бошқа жойга кўчириш” маъносини ифодалайди ва унинг: 1) тўлиқсиз ёки синтактик, 2) тўлиқ ёки морфологик каби турлари фарқланади. Хусусан, синтактик транспозицияда асос структуранинг туркумлилик белгиси ўзгармай, унга хос синтактик функциянинг ўзгариши орқали ўз ифодасини топади. Морфологик транспозиция таъсирига тушган бирлик эса ўзининг туркумлилик белгисини ўзгартиргани ҳолда янги сўзга айланади. Морфологик транспозициянинг вужудга келишида сўз ясовчи аффикслар ҳамда конверсия ҳодисаси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши. -Т., 1989. 29-бет.

² Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М., 2010. -С.61.

Шунинг билан бир қаторда, транспозиция кенг маънода, ҳар қандай лингвистик формасининг (замон, майл, тусланиш ва жумлаларнинг) кўчиши, функционал ўзгариши орқали ҳам содир бўлади. Ушбу маъносига кўра, транспозиция метафора, метонимия каби ҳодисаларни ҳам ўз ичига олади. Транспозициянинг воқеланиши тил бирликларнинг семантик ёки функционал қиёсига асосланади. Тил бирликларнинг функционал-семантик қиёси эса асос форма, транспозитор ва траспозит ўртасидаги муносабат орқали амалга оширилади³.

Изоҳодаги бу модел, яъни асос, транспозитор, тарнспозит лингвистик деривациянинг умумий моҳиятини ўзида акс эттирувчи операнд, оператор ва дериват моделига тўлалигича мос келади. Деривация жараёнида бўлганидек, транспозицияга хос бу моделнинг қандай лингвистик шароитда ва қайси тил бирликларининг иштирокида содир бўлишига кўра унинг ички гуруҳлари фарқланади. Хусусан, синтактик транспозиция шароитида Л.Н.Мурзин томонидан қайд этилганидек, “берилган жумланинг ички ўзгариши, унинг грамматик жиҳатдан қайта ташкил топиши орқали намоён бўлади: *Инженер создал машину – Машина создан инженером*”⁴.

Келтирилган мисолдан маълум бўладики, синтактик транспозиция шароитида гап бўлақларининг комбинацион ўзгариши билан бир қаторда, уларнинг функционал-семантик хусусиятларида ҳам янгланиш содир бўлмоқда. Чунки асос структурада *инженер - эга, создал – кесим, машину –* тўлдирувчи мавқеидаги бирлик бўлса, унинг транспозитив ҳолатида *создал – кесим, машина – эга, инженер – тўлдирувчи* вазифасидаги бирлик сифатида ўзгарган.

Транспозициянинг тўлиқ ёки морфологик шакли тил бирликларининг сифат ўзгариши орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у тўлиқ транспозиция деб юритилади. Чунки морфологик транспозиция синтактик типдан фарқли равишда тил бирликларининг жумла таркибидаги функционал ўзгариши билангина чегараланмайди, балки семантик жиҳатдан янгиланиш,

³ Лингвистический энциклопедический словарь. –М.,1990. –С.519.

⁴ Мурзин Л.Н. Основы дериватологии.-Пермь,1984.-С.27.

ўзгариш ҳам содир бўлади. Масалан, different (фарқ) от туркумига мансуб асос структуранинг difference (фарқли) тарзида сифатга кўчишида транспозитор вазифасидаги морфологик кўрсаткич, яъни –се форманти муҳим рол ўйнаган. Араб тилидаги *تَعْرِيفٌ* *تَعَارُفٌ* *تَعْرِيفٌ* каби дериватларда ҳам сўз ямовчи суффикслар *تَعْرِيفٌ* феълининг транспозициясига олиб келган.

Транспозициянинг конверсив типига эса, бундай морфологик кўрсаткичлар иштирок этмайди. Чунки бу турдаги кўчиш жараёни бевосита компонентлар ўртасидаги семантик-синтактик алоқадорликка таянилади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, транспозициянинг конверсив типига предикат ва унинг аргументлари ўртасидаги мантикий боғланиш эътиборга олинади. Масалан, *He room with aunt || The man knifed his room – mate* жумласида от туркумига мансуб room сўзи орқали инглиз тилида ижарага олинadиган объект, яъни хона, уй ҳамда мазкур хона ёки уйни ижарага олиш вазиятлари ўртасидаги функционал-семантик алоқадорлик транспозициянинг содир бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида эса кўп ҳолларда лексик бирликлар ўртасида омонимия вужудга келади. Масалан, ўзбек тилидаги илмоқ, ўқиш, яраш кабилар ана шундай деривация жараёнида вужудга келган.

Транспозиция ҳодисасининг изоҳида келтирилган фикирга диққат қилинса, бу ҳодиса фақат туркумлараро кўчиш орқалигина эмас, балки муайян бир туркумга мансуб сўзнинг ички кўчишини ҳам ўз ичига қамрайди. Хусусан, унинг метафора, метонимия каби ҳодисаларни ҳам ўзида бирлаштириш ана шундан далолат беради. Бу ҳодисалар эса юқоридаги полефункционал бирликлардан фарқли равишда, полесемантик сўзлар базасида содир бўлади. Полесемантик сўзлар эса муайян бир сўзнинг ички янгиланиши асосида вужудга келади. Ана шу хусусиятлар транспозиция ва семантик деривация ўртасида муносабат масаласини алоҳида ўрганиш эҳтиёжи борлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, келтирилган изоҳга таянилган ҳолда транспозиция ва тилга хос деривация ўртасидаги муносабатни қуйидаги омиллар билан

боғлиқ эканини қайд этиш мумкин: а) асос структурага хос туркумлилик белгисининг сўз ясовчи аффикс таъсирида ўзгариши, б) тил бирликларининг конверсив кўчиши орқали янгиланиши, в) лексик бирликларининг метафора, метонимия каби маъно кўчиш усуллар асосида янгиланиши. Қуйида транспозициянинг ана шу типларини лексик ва семантик деривация ходисалари билан боғлиқ ҳолда алоҳида кўриб чиқамиз.

1.2. Транспозицияни лексик деривация муносабати. Транспозицияни лексик деривация билан боғлайдиган асосий восита сўз ясовчи формант ҳисобланади. Чунки асос структура (яъни деривацион операнд)нинг функционал-семантик ўзгариши айнан ана шу восита таъсирида содир бўлади. Шунинг учун ҳам Ф.Шодиев формантни (яъни операторни) “деривациянинг мутлақ ҳоким унсурдир” деб таърифлайди⁵.

Юқорида лексик деривация жараёни тил тизимининг ички қонуниятига кўра воқеланувчи ҳодиса эканлиги қайд этилди. Шунга монанд равишда лисоний деривациянинг бу турида иштирок этадиган ҳар бир компонент ўзига белгиланган (типик) вазифага эгалиги билан характерланади. Хусусан, сўз ясовчи асос деривация жараёни воқеланишида луғавий манба бўлиб хизмат қилади. Ана шунга монанд равишда, унинг зиммасига номинатив вазиятга мос келадиган семантик компонентлар билан таъминлаш вазифаси юкланади. Шу хусусиятига кўра сўз ясовчи асос апперцепция, яъни муқаддам ўзлаштирилган билимни ўзида акс эттиради.

Сўз ясовчи формант эса асос томонидан тақдим этиладиган семантик компонентларга таянган ҳолда номинатив вазиятни реал ифода топиши учун хизмат қиладиган бирликдир. Шу нуқтаи назардан қаралганда сўз ясовчи формант ёки оператор “деривациянинг мутлақ ҳоким унсури” ҳисобланади. Бироқ, сўз ясовчи формантга хос “мутлақ ҳоким”лик бу билан ҳам чегараланмайди. Чунки унинг деривация жараёнидаги мутлақ ҳокимлиги асосга хос семантик компонентни муайян бир лексик-грамматик категория доирасида содир бўлиши ёки категорияларо кўчишга олиб келиши орқали

⁵ Шодиев Ф. Кўрсатилган атореферат. 18-бет.

ҳам кўзга ташланади. Масалан, араб тилидаги **مَنَظَّاتٌ** (ҳокимият) - **مَنَظَّاتٌ** (ҳокимиятга эга бўлиш), **مَنَظَّاتٌ** (ҳукмдор) каби уядошлик орқали ана шундай кўчишни кўриш мумкин.

Инглиз тилидаги феълдан отга кўчишга олиб келувчи фаол лексик деривацион операторлардан бири – *er* форманти бўлиб, у қуйидаги мисолларда турли категорияга мансуб бирликларни ўзаро транспозиция асосида боғлашга хизмат қилади: *writ - writer // ёзувчи, read - reader // ўқувчи, wok - woker // ишчи, sing- singer // қўшиқчи*. Мазкур формант иштирокида вужудга келадиган қуйидаги лексик дериватлар муайян бир категорияга мансуб бирликларнинг ўзаро кесишуви асосида транспозицияни ўзида акс эттиради: *advice - advicer, farm - farmer, write – writer, act - actor, administrate - administrator*.

Худди шундай хусусият ўзбек тилида ҳам учрайди. Масалан, *ишчи, боғбон* каби ясамаларда –чи, –бон операторлари деривацион жараёни муайян бир категория доирасида содир бўлишини таъминловчи восита сифатида иштирок этган бўлса, *ишла, ишчан* ясамаларидаги –ла, –чан нарса, белги ва ҳаракат категорияларига мансуб бўлган асосларни ўзаро кесишуви, яъни тарнспозицияси учун қулай шароит яратувчи восита вазифасини ўтамоқда.

Анъанавий сўз ясалиши талқинида деривацион операндларга хос ана шу хусусият эътиборга олингани ҳолда, лексик деривациянинг икки тури фарқланади. Хусусан, ўзбек тилшунослигида бу фарқ **“ташқи ва ички ясалиш”** терминлар асосида белгиланади⁶. Умумий тилшуносликда эса бундай фарқларни белгилашда Е.Курилович томонидан жорий этилган **“лексик ва синтактик деривация”** терминларидан фойдаланилади. Шунингдек, айрим ишларда синтактик деривация термини ўрнида “деривацион транспозция”, “конверсия” каби терминларга ҳам таянилади⁷.

⁶ Қранг: Ғуломов А. Содда сўзлар // Ўзбек тили грамматикаси. –Т., 1975. 30-бет; Мирзакулов Ш.Ў. Ўзбек тилида сўз ясалиш маъноси ва парадигмаси // НДА.-Самарқанд, 1995, 16-бет.

⁷ Кубрякова Е.С. Типы языковых значений. Семантика производного слова. –М.,1981.-С.147; Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. –Пермь, 1984. –С.27

Келтирилганлардан маълум бўладики, асос ва формант муносабати орқали ўз ифодасини топадиган категориал ўзгаришларга баҳо беришда, кўп ҳолларда, грамматик нуқтаи назардан ёндашиш етакчилик қилади. Хусусан, келтирилган терминлар изоҳида формант таъсирини асосга хос туркумлилик белгисини ўзгартириш ёки ўзгармаслик мезони асосида изоҳланиши ана шундан далолат беради. Масалан, А.Ғуломов томонида берилган изоҳда, от туркумида кузатиладиган ташқи ясаиш “от бўлмаган сўзлардан ясаиш”, ички ясаиш эса “от туркумига мансуб сўзлардан ясаиш” тарзида таърифланади. Шу хусусиятига кўра бу терминлар Е.Курилович ва унинг издошлари томонидан қўллаб келинаётган “лексик ва синтактик деривация” терминлари билан бир хилдир.

Мазкур терминлар ўртасидаги нисбий фарқ эса, биринчи ҳолатда, яъни ташқи ва ички ясаишда, формант таъсирида асос структурада содир бўладиган функционал-семантик ўзгаришнинг грамматик категория эътиборига белгиланиши, иккинчи ҳолда, яъни лексик ва синтактик деривация ҳолатида, бундай ўзгаришга асос структурадаги синтактик функциянинг ўзгариш-ўзгармаслиги нуқтаи назардан баҳо берилиши орқали кўзга ташланади.

Агар бу масалага лексик деривацияни тил тизимининг ички қонуниятлари асосида содир бўлиши нуқтаи назардан ёндашиб баҳо бериладиган бўлса, мазкур деривацион жараён орқали кузатиладиган функционал-семантик ўзгаришларни асоснинг синтактик ўзгариш тарзида эмас, балки категориал ўзгариши тарзида изоҳлаш тўғрироқ бўлади. Чунки лексик деривациянинг воқеланиши орқали операнд ва операторларнинг синтагматик муносабати ўз ифодасини топса ҳам, бу уни бевосита синтактик қонуният сифатида номлаш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам лексик деривация жараёнида асос структуранинг категориал ўзгаришини ифодаловчи махсус термин яъни транспозиция термини татбиқ этилган.

Худди шунингдек, лексик деривация жараёнида асос структуранинг категориал ўзгариши орқали кузатиладиган лингвистик жараёни “ташқи

ясалиш” деб юритиш ҳам сўз юритилаётган масала моҳиятини бир ёқлама ёритишга олиб келади. Чунки бу термин моҳиятан сўз ясовчи формант таъсирида муайян категорияга мансуб бўлган асоснинг ўз доирасидан ташқарига чиқишини ифодалаш билан чегаралайди. Шу боис унинг ёрдамида лисоний деривация орқали ўз ифодасини топадиган барча турдаги функционал-семантик ўзгариш ва кўчишларни тўлақонли идрок этиб бўлмайди. Ана шулар лисоний деривация орқали ўз ифоданинг асос структуранинг функционал-семантик ўзгариши билан боғлиқ ҳодисаларни транспозицион қонуниятлар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқлигидан далолат беради.

Лексик деривация жараёнида содир бўладиган категориал ўзгаришларни транспозиция қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда талқин этиш тажрибасининг ўзига хос талқини У.Л.Чейфнинг изланишида кузатиш мумкин. Унинг ёзишича, ўзак+инхоатив конфигурациясида инхоатив янги семантик моҳиятни вужудга келтирувчи восита ҳисобланади. Чунки у асосни муайян категория доирасида ўтказувчи восита сифатида иштирок этади. Масалан,

The door is open (Эшик очик),

The door opened (Эшик очилди),

кабиларда *open – opened* оппозициясидаги феълларнинг ҳар иккаласида ҳолатнинг ҳаракатга ўтиши орқали муайян бир категория доирасидаги кўчиш ўз ифодасини топмоқда⁸.

Р.З.Мурясовнинг ишида бундай категориал ўзгариш формант эътиборидан келиб чиқилгани ҳолда, уларнинг **«квалификатор ва модефикатор»** каби турлари ажратилади. Унинг ёзишича, модефикаторлар сўз ясалишининг муайян бир лексик-грамматик категория доирасида содир бўлишини таъминлайди. Квалификаторлар эса сўз ясалишининг турли категориялар доирасида амалга ошишига олиб келувчи воситалардир⁹. Масалан, *administrate – administrator* // *бағ – боғбон* ясамаларида –er(-r), –бон

⁸ Чейф У.Л. Значение и структура языка.-М.,1975.-С.145-147.

⁹ Мурясов Р.З. О словообразовательном значении и семантическом моделировании части речи // Вопросы языкознания., №5.1976.-С.129.

формантлари модификатор сифатида нарса ва шахс категориялари доирасидаги ички семантик янгилашга олиб келган бўлса, *writ – writer, боз- бозла* ясамасида –er(-r), –ла форманти квалификатор сифатида нарса ва ҳаракат категорияларининг ўзаро кесишувига олиб келувчи восита сифатида хизмат қилади.

Е.С.Кубрякова транспозиция ҳодисасининг анъанавий талқинига танқидий баҳо бергани ҳолда, бу ҳодисани асос структурага хос категориал белгиларнинг ўзгариши ёки ўзгармаслиги билан боғлиқ кўрсаткичлар асосида тадқиқ этиш орқали бирор натижани қўлга киритиб бўлмаслигини қайд этади¹⁰. Унинг фикрига кўра, ҳар бир сўз ўзининг референциал майдонига эга бўлади. Деривация жараёни эса ана шу референциал майдонлар базасида воқеланувчи ҳодиса ҳисобланади. Чунки бу жараён натижасида “икки ментал майдоннинг, яъни 1) донорлик, 2) мақсад (целевой) майдон”ларининг ўзаро кесишуви содир бўлади. Деривация жараёни орқали ана шу ментал майдонларга хос бўлган семантик компонентларнинг нисбий ўзлаштирилиши, яъни транспозицияси ўз аксини топади¹¹.

Агар транспозиция таҳлилига ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, у ҳолда донорлик ва мақсад майдонларининг ўзаро кесишувига юқрида кўриб ўтилган барча мисоллар далил бўла олади. Чунки, *farm – farmer, write – writer* кабиларда муайян бир категорияга мансуб (наرسа) категориясига мансуб) бўлган тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар орқали ўз аксини топадиган ментал майдонларнинг (яъни нарсa –шахс) ўзаро кесишуви кузатиладиган бўлса, *convenient (қулай) – convenience (қулайлик), different (фарқ) – difference (фарқли), horsemen (чавандоз), horsemanship (отда юриш санъати)* кабиларда эса белги ва нарсa категорияларига мансуб бўлган ментал майдонларнинг ўзаро кесишуви билан боғлиқ транспозиция содир бўлмоқда.

¹⁰Кубрякова С.Е. Характер семантических сдвигов при словообразований // Аспекты семантических исследований. – М., 1980. –С.120-121.

¹¹ Кубрякова С.Е. Язык и сознание. – М., 2005. –С.344.

Аввало шуни айтиш керакки, лисоний деривация жараёнида содир бўладиган ҳар қандай функционал-семантик янгилашни замирида муайян номинатив вазиятнинг ечимини топиш мақсади ётади. Ўз навбатида, бу мақсаднинг ижроси А.А.Потебня эътироф этган **анперцептив** фаолият, яъни муқаддам жамғарилган билимлар базасида янгисини вужудга келтириш билан боғлиқ мураккаб лингвокогнитив механизмларга таянилган ҳолда амалга оширилади. Е.Кубрякова томонидан қайд этилган “донорлик ва мақсад майдонлари”нинг ўзаро кесишуви орқали ўз ифодасини топадиган транспозитив жараён ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлиш учун, дастлаб, **анперцептив** фаолиятни ҳаракатга келтирувчи лингвокогнитив механизм турларини белгилаб олиш лозим. Чунки “донорлик ва мақсад майдонлари”нинг ўзаро кесишуви орқали ўз ифодасини топадиган транспозиция лисоний деривациянинг барча турларида кузатиладиган умумий қонуниятдир.

Лексик деривация жараёни ва транспозициянинг ўзига хос муносабати кўшма сўзларда ҳам акс этади. Бироқ кўшма сўзларнинг ясалишида содда ясама сўзлардан фарқли равишда транспозиция икки босқичли ҳисобланади. Хусусан, биринчи босқичда муайян бир объектни номлаш мақсадида лексик бирликларнинг синтактик деривацияси асосида нутқий эркин бирикма ҳосил қилинади. Масалан, *to make head* (сочни тартибга солмоқ) , *to make boot* (пояфзални тузатмоқ. Иккинчи босқичда эса ушбу эркин бирикма муайян структурал ўзгаришлар асосида лексик тизимга кўчирилади. Масалан, *head maker* (сарпарош), *bootmaker* (этикдўз) каби.

Худди шундай ҳолатни ўзбек тили мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, *отнинг қулогига ўхшаган ўт* эркин бирикмаси транспозитив номинациянинг бирламчи босқичини ўзида акс эттирса, *отқулоқ* мазкур эркин бирикманинг лексик сатҳга кўчирилиш босқичини ўзида акс эттиради.

1.3. Транспозиция ва семантик деривация муносабати. Юқорида қайд этилганидек, лисоний деривация тил бирликларининг бир йўла формал-семантик ясалишини ўзида акс эттирувчи лексик деривация ҳамда семантик

компонентларнинг функционал фаоллигини ўзида акс эттирувчи семантик деривация ҳодисалари орқали ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, лексик деривациядан кўзланадиган асосий мақсад бирор бир номинатив вазият объектини ҳам формал, ҳам семантик жиҳатдан мустақил бўлган ясама сўз воситасида белгилаб қўйиш, қайд этиш ҳисобланади.

Бироқ семантик деривация ҳодисаси натижасида ҳам формал-семантик жиҳатдан мустақил бўлган ясама сўзлар вужудга келади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиши баҳсида маъновий силжиш, кўчиш билан боғлиқ бу ҳодисалар семантик (лексик-семантик) усул сифатида талқин этиб келинган. Бу усулнинг воқеланиши метафора, метонимия, синикдоха, вазифадошлик каби ҳодисалар билан бирга конверсия орқали ўз ифодасини топиши қайд этилади¹². Шундай бўлишига қарамасдан, семантик деривациянинг туб моҳиятига диққат қилинса, бу ҳодисадан кўзланадиган асосий мақсад, «сўз яшаш эмас, балки *(семаобразование) маъно яшаш*» эканлиги маълум бўлади¹³.

Дарҳақиқат, тил эгалари ўз ҳаётий фаолияти мобайнида дуч келадиган объектларни ҳар доим ҳам алоҳида ясама сўзлар билан белгилайвермайди. Чунки бундай йўл тутилса тилнинг лексик таркибининг миқдори ўзлаштириш даражасида ошиб кетиши мумкин. Ана шу “хавф”нинг олдини олиш мақсадида тил эгалари ўрни билан, яъни алоҳида номга эҳтиёж бўлмаган ҳолларда, маъно ясалишига мурожаат қилишади. Бошқача қилиб айтганда, семантик деривациянинг тил тизимидаги асосий вазифаси тилда мавжуд бўлган лексик бирликларнинг маъно ифодалаш имкониятини кенгайтириш ҳисобига лексик тизимини миқдор жиҳатдан ўсиб кетишидан сақлашдир.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, семантик деривация натижасида ясама сўзларнинг вужудга келиши бу ҳодиса талқинида иккиламчи аҳамиятли жараён эканлиги маълум бўлади. Бунинг ўзига хос далилини семантик деривациянинг маъно яшаш механизмларига асосланиши ва лексик

¹² Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. -Т., 1989. 29-бет.

¹³ Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М., 2010. -С.61.

деривацияда бўлгани каби, бир йўла ясама сўз мақомидаги бирликни вужудга келишига олиб келмаслиги мисолида ҳам кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам, А.Ҳожиёв ўзининг кейинги ишида сўз ясалишидан кўзланадиган асосий мақсад асос+формант моделида “сўз яшаш” эканлигини эътироф этилгани ҳолда, ясалишнинг бошқа турларини сўз ясалиши доирасида ўрганиб бўлмаслигини эътироф этади.

Юқорида айтилганидек, бу нуқтаи назар, тил бирликларининг субординатив ва десубординатив иерархияси талабларига ҳам тўла мос келади. Бинобарин, лексик деривация асос+формант каби морфем компонентларнинг субординатив иерархияси туфайли содир бўладиган ҳодиса сифатида бошқа ясалишлардан фарқ қилади. Семантик деривация жараёни гарчи операнд ва оператор мавқеидаги маъновий компонентлар муносабатига таянса ҳам, субординациянинг “бузилиши” ҳисобига воқеланади. “Бузилиш”га олиб келувчи асосий сабаб эса, У.Л.Чейф ва Е. Кубряковалар томонидан қайд этилган, транспозициядир.

Бинобарин, бу талқинларга кўра, транспозиция муайян бир категорияга ёки турли категорияга мансуб донорлик ва мақсад майдонларининг ўзаро кесишуви натижасида содир бўладиган ҳодисаларни ўзида акс эттиради. Турли лексик-грамматик ва семантик категорияларга хос донорлик ва мақсад майдонларининг ўзаро кесишуви натижасида содир бўладиган транспозиция натижасида вужудга келадиган транспозитлар **“асимметрик”** хусусиятли эканлиги билан ажралиб туради. Бу қонуният Слоттити ва Е.Куриловичларнинг ишларида тил бирликларининг бирламчи ва иккиламчи вазифада қўлланиши сифатида талқин этилади.

В.Г.Гакнинг қайд этишича, лексик бирликлар асимметрияси уч хил ҳолатда кўзга ташланади: а) парадигматик асимметрия кўп маъноли ва омоним сўзларда битта ифодаловчининг бирдан ортиқ ифодаланувчига эга бўлиши орқали, синонимияда эса, аксинча, бирдан ортиқ ифодаланувчининг битта ифодаловчига тўғри келиши орқали бундай асимметрия ўз ифодасини топади; б) синтагматик асимметрия бирдан ортиқ ифодаловчининг

синтагматик узвийлиги асосида битта ифодаланувчининг вужудга келиши орқали ўз аксини топади; в) семиотик асимметрияда эса тилда муайян бир ифодаланувчи мавжуд бўлгани ҳолда, ўз ифодаловчисига эга бўлмаган (бундай ҳолда лексик **лакунлар** вужудга келади) ёки ифодаловчи ўз ифодаланувчисидан тамомила маҳрум бўлган ҳолда (яъни тўлиқ десемантизациялашган ҳолда) ўз аксини топади¹⁴.

Тил бирликларининг транспозицияси орқали кузатиладиган асимметрия лексик деривация жараёнига ҳам хос бўлиб, у асос структуранинг функционал-семантик ёки ички ўзгариши орқали намоён бўлади. Чунки деривациянинг бу турида муайян бир категорияга мансуб бўлган операнднинг квалификаторлар мавқеидаги оператор таъсирида бошқа бир категорияга кўчади ва шу орқали функционал-семантик асимметрия ўз ифодасини топади. Бироқ лексик деривация натижасида кузатиладиган функционал-семантик асимметрия тил бирликларининг субординатив иерахияси доирасида содир бўлиши билан семантик деривациядан фарқланади. В.Г.Гак томонидан қайд этилган асимметрик типлар эса транспозиция таъсирида воқеланувчи семантик дериватларда кўзга ташланади. Чунки бу типлар орқали ўз ифодасини топадиган транспозиция тил бирликларининг десубординатив иерархияси асосида вужудга келганлиги билан характерланади. Бунинг далилини транспозициянинг ички кўриниши бўлган конверсия мисолида кузатиш мумкин.

1.4. Конверсия ҳодисасининг лингвистик талқинлари ҳақида.

Юқорида айтилганидек, транспозициянинг хусусий кўриншларидан бири **конверсия** орқали ўз ифодасини топади. А.Я.Загоруйконинг ёзишича, конверсия терминини биринчи бўлиб тилшуносликка олиб кирган Г.Суит уни синтактик жараён билан боғлиқ ҳолда тавсифлаган. Шунингдек, ушбу олим томонидан бу ҳодисани сўз ясалишига алоқадор жиҳатлари ҳам қайд этган. Ана шу асосда конверсия ҳодисаси тилшуносликда муайян бир сўзни икки хил туркум вазифасига хословчи восита сифатида, маълум бир

¹⁴ Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. –Л., 1977. –С.255.

форманинг турли маъноларда қўлланиши тарзида ўрганилиши анъанага айланган¹⁵.

Бу анъананинг акс-садосни тилшуносликда конверсиянинг лисоний ва нутқий деривация билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши мисолида кўриш мумкин. Конверсиянинг сўз ясалишига муносабати: “муайян тил бирлигининг ўз формасини ўзгартирмай, бошқа бир туркумга хос вазифада қўлланиши” орқали ўз ифодасини топади¹⁶. Бу ҳодисанинг синтактик деривация билан боғлиқ жиҳати эса “муайян жумланинг ички ўзгариши ва грамматик жиҳатдан қайта қурилиши” орқали ўз аксини топади. Конверсиянинг нутқий деривация билан боғлиқ ана шундай талқини Л.Н.Мурзин ва Ғ.Х.Яхшибоев кабиларнинг ишларида кузатилади¹⁷.

Ўзбек тилшунослигида конверсиянинг сўз ясалиши билан боғлиқ, дастлабки тадқиқи А.Ғуломовнинг илмий изланишида кўзга ташланади. Унинг қайд этишича, конверсия “синтактик шароит – синтактик ҳолатнинг кучи” ҳамда “маъно тараққиёти” каби икки омил билан боғлиқ ҳолда сўз ясалишига дахлдор бўлади. “Бу морфологик-синтактик йўл билан сўз яшашдир. Бунда сўзнинг туркуми ўзгаради, бу ўзгариш, одатда, контекстда – синтактик ҳолатнинг, гап ва сўз бирикмаларининг кучи билан юзага келади... Кўчишдаги моҳиятнинг сўз туркумини ўзгартириш характерида бўлиши бу ҳодисанинг **ташқи ясалиш** тусида эканини кўрсатади”¹⁸.

А.И.Смирницкий конверсияни тил бирликларининг парадигматик ўзгариш асосида сўз ясалишига олиб келувчи ҳодиса сифатида тавсифлайди. Масалан, инглиз тилидаги *love-севги* ва *love-севмоқ* бир асосли, бироқ улар ўзи мансуб бўлган формалар системаси, яъни парадигмаси билан фарқланади. Чунки *love-севги* от ва *love-севмоқ* феъл туркумига мансуб бўлгани туфайли уларнинг ҳар бири ўзига хос сўз ўзгартувчи системага эга.

¹⁵ Загоруйко А.Я. Конверсия – морфолого-синтаксический способ словообразования. АҚД. –М.,1961.- С.5-7.

¹⁶ Лингвистический энциклопедический словарь. М. 1990. -С.234.

¹⁷ Мурзин Л.Н.Основы дериватологии. Пермь-1984.-С.27; Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси.-Т., 2006.70-бет.

¹⁸ Ғуломов А. Сўз ясалиши // Ўзбек тили грамматикаси. –Т., 1973. 46-47-бетлар.

Айнан ана шу омил уларни парадигматик ўзгариш асосида юзага келган икки хил сўз эканлигини белгилашга хизмат қилади¹⁹.

Бироқ А.И.Смирницкий томонидан эътироф этилган “парадигматик ўзгариш” бошқа тилларда, хусусан, ўзбек тилида бир йўла содир бўлмайди. Шу боис, бу хусусият кўпроқ инглиз тилининг ички қонуниятларини ўзида акс эттиради. Чунки О.Д.Мешков томонидан қайд этилгандек: “Конверсия у ёки бу даражада барча тилларга хос бўлса ҳам, инглиз тилида у алоҳида аҳамиятга эга. Чунки мазкур тилнинг махсус морфологик кўрсаткичларга эга эмаслиги, сўз ясалишида конверсиянинг алоҳида мақега эга бўлишига олиб келган”²⁰.

Л.А.Телегиннинг докторлик диссертациясида субстантивация, адъективация, адвербализация ва вербализация каби ҳодисалар **“аффиксиз транспозиция”** термини билан юритилади. Шунингдек, мазкур ишда транспозициянинг **“метаморфик”** типи ҳам қайд этилади. Унда қайд этилишича, метаморфик транспозиция турли синтактик қурулмаларнинг сўз мақомига ҳосланиши орқали ўз ифодасини топади. Ушбу муаллифнинг фикрига кўра, транспозиция инсоннинг номинатив фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг сўз ясалиши билан муносабати асос структуранинг семантик силжиши натижасида янги сўз ҳосил бўлиши орқали ўз аксини топади²¹.

Конверсия ҳодисасининг тиллардаги фарқланиши унинг сўз ясалишига муносабатини белгилашда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Хусусан, конверсия кенг ривожланган инглиз тилида бу ҳодиса аффиксиз сўз ясалиши, сўз ясалишининг конверсив усули сифатида талқин этилгани ҳолда, морфологик ясалиш етакчилиқ қиладиган тилларда бу ҳодисанинг лингвистик мақомини белгилашда бирмунча бошқачароқ ёндашилади. Жумладан, А.Ғуломов конверсияни *морфологик-синтактик* йўл билан сўз яшаш деб эътироф этгани ҳолда, “бундай ясалишнинг нисбатан кенг маънода қўлланган конверсия

¹⁹ Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. - М., 1956. - С.71-72.

²⁰ Мешков О.Д. Словообразование английского языка. - М., 1976. - С.248.

²¹ Телегин Л.Б. Безаффиксальная транспозиция и влияние на процесс деривации в современном английском языке. – Самарканд, 1992. <http://www.dissercat.com/content/bezaffiksalnaya-transpozitsiya...#ixzz2H0lkcx3e>

(“ўзгариш”, “ўтиш”, “айланиш”) термини билан аталиши шартли характерга эга” эканлигини таъкидлайди²².

А.Ҳожиёвнинг ишида бу ҳодиса сўз ясалишининг “семантик усули” сифатида қайд этилади. Унинг фикрига кўра, “*бошида* (ўрин-пайт келишиги формасидаги отнинг равишга кўчиши билан юзага келган сўз), *кечаси* (эгалик формасидаги отнинг равишга кўчишидан ҳосил бўлган сўз) *келишган* (*йигит*), *арзимаган* (*нарса*), сифатдош формасидаги феълнинг сифатга кўчиши билан юзага келган сўзлар “сўз формаларининг лексик маъно касб этиши” натижасида ҳосил бўлиши ва бу ҳосилалар сўз яслишининг “семантик (лексик-семантик) усул”ига мансубдир²³.

Мазкур ҳодисани бошқирд тили мисолида тадқиқ этган А.А.Байгирина конверсияни туркумлараро кўчиш натижасида лексик-грамматик янгиланишига олиб келувчи ҳодиса сифатида боҳоланади. Унинг ёзишича, туркологияда бу ҳодисага морфологик-синтактик усул сифатида баҳо бериш анъанаси мавжуд, аслида эса бу ҳодиса орқали **аффиксиз сўз ясалиши** ўз ифодасини топади. Чунки бу типдаги ясалишда ясовчи ва ясалувчилар ўртасида ички семантик муносабат акс этади. Улар ўртасида лексик-грамматик тафовутни вужудга келтирувчи бош омил ҳам семантик силжишдир²⁴.

Рус тилшунослигида бу ҳодисанинг лингвистик мақоми семантик деривация билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Хусусан, Н.М.Шанскийнинг қайд этишича, морфологик-синтактик деб қараладиган сўз ясалиш усули орқали, аслида, лексик-семантик ясалиш ўз аксини топади. Чунки бу усул орқали муайян бир сўз туркумининг бошқасига кўчиши (периход) асосда сўз ясалиши вужудга келади²⁵.

Л.Н.Мурзин ва Н.Д.Голевларнинг изланишларида бу ҳодиса семантик деривациянинг бир тури экани қайд этилади. Семантик деривациянинг

²² Ғуломов А. Ўша манба. 47-бет.

²³ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. –Т., 1989. 29-бет.

²⁴ Байгирина А.А. Словообразование по конверсии в башкирском языке. АКД. –Уфа, 2007. –С.8. www.bashedu.ru/autoreferat/aref.2007.

²⁵ Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию. –М., 1968. –С. 263.

камрови эса *метонимизация, метафоризация, семантик конверсия* (ёки *семантик силжиш*) каби ички ҳодисалар доирасида белгиланади²⁶.

В.И.Кодухов томонидан ҳам конверсия сўз ясалишининг семантик усули доирасига киритилади ва бу ҳодиса «*семантик-грамматик*» характерда воқеланиши билан бошқа турдаги маъно ясалишларидан фарқланшини таъкидланади²⁷.

Ана шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ, транспозициянинг тил ва нутқ муносабати асосида намоён бўладиган семантик ҳодиса сифатида талқин этиш ва у орқали инсон идрокининг бекиёс имкониятга эгалигидан далолат берувчи тил ижодкорлигининг ёрқин намуналари ҳақида сўз юритиш лозимлигидан далолат беради. Гарчи тадқиқотларда трнаспозиция билан боғлиқ ҳодисалар турли нуқтаи назардан қаралган ва шунга монанд равишда ҳар хил терминлар остида ўрганилган бўлса ҳам, бу мулоҳазалар мазкур ҳодисанинг таъсир доираси ва мазмун-моҳиятини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотларда транспозициянинг лингвистик мақомини белгилаш ҳамда унинг таснифи ва тавсифида ҳам даврий нуқтаи назардан фарқланишлар кузатилади. Хусусан, мазкур ҳодисанинг дастлабки тадқиқида Ш.Балли томонидан илгари сурилган илмий ғоя, яъни тил бирликларининг “функционал ва семантик транспозиция”си ҳақидаги қарашлари сезиларли таъсирга эга²⁸. Транспозициянинг ички кўринишларидан бўлган конверсия талқинида лексик бирликларнинг категориал ўзгариш-ўзгармаслиги билан боғлиқ кўрсаткичларга асосий эътибор қаратилиши, конверсиянинг сўз ясалишига олиб келувчи морфологик-синтактик усул сифатида талқин этилиши ана шу анъананинг таъсиридан далолат беради.

Тилшуносликда сўз семантикси билан боғлиқ ҳодисаларнинг кенг ўрганилиши, валентлик назарига доир қарашларнинг вужудга келиши биринчидан, муқаддам сўз ясалиши баҳсида ўрганиб келинган деривацион

²⁶ Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. Пермь-1984.-С.47; Голев Н.Д. Деривационная системность лексики. www.bestdsser.com/wok/wok_21200.html.

²⁷ Кодухов В. И. Введение в языкознание. – М., 1979. –С.121.

²⁸ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. -М., 1955. –С. 13-143.

ходисаларнинг лексик ва семантик асосли ходисалар сифатида ажратилишида, иккинчидан, транспозициянинг лисоний деривация билан муносабатини семантик деривация ходисаси билан зичроқ боғланишида муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, ўтган асрнинг иккинчи яримидан кейин юзага келган Н.М.Шанский, А.Ҳожиевлар томонидан конверсияни сўз ясалишининг лексик-семантик усули сифатида қайд этилиши, Л.Н.Мурзин ва Н.Д.Голевлар мазкур транспозицион ходисанинг бевосита семантик деривацияга олиб келувчи ходисалардан бири сифатида талқин этилиши ана шундай даврий тадрижийатдан далалат беради.

Ана шуларни эътиборга олган М.В.Никитин семантик силжиш асосида содир бўладиган деривацион ходисаларни транспозиция термини доирасида бирлаштиради ва унинг **“грамматик конверсия, “лексик конверсия” ва “тропли деривация”** каби турларини фарқлайди. Унинг изоҳига кўра, грамматик конверсия сўзнинг котегиориал ўзгариши билан чекланувчи нутқий ходисадир. Лексик конверсия эса, сўзнинг грамматик парадигмаси ўзгариши билан бирга унинг лексик маъносида янгиланиш содир қилувчи ходисадир. Лексик конверсия кўчиш билан боғлиқ семантик механизмларга таянишига кўра тронспозитив ходисалар қаторига кирса ҳам, у метафора, метонимия ва гипонимия каби ходисалар орқали ўз ифодасини топадиган **“тропли деривация”**дан фарқланади. Чунки тропли деривация муайян бир сўзнинг семантик структурасида мавжуд бўлган имкониятлар доирасида содир бўлса, лексик конверсия бирдан ортиқ сўзларнинг синтагматик муносабати натижасида вужудга келади²⁹.

Транспозициянинг ўзига хос талқини В. Н. Телия, Г. Г. Соколовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам кўзга ташланади. Хусусан, В.Н.Телиянинг фикрига кўра, синтактик транспозиция лексик-синтактик характерда намоён бўлгани ҳолда, **“фразеологик боғлиқ маъно”**ни вужудга келтириш учун хизмат қилади³⁰.

²⁹ Никитин М.В. Курс лингвистической семантики – С.-Петербург.,2007. –С.400-446.

³⁰ Телия В.Н. Семантика связанных значений слов и их сочетаемости // Аспекты семантических исследований. - М.,1980. –С.279.

Г.Г.Соколова транспозицияни француз тилидаги фразеологизмларнинг вужудга келишини таъминловчи кўп босқичли ҳодиса сифатида тадқиқ қилади. Унинг фикрига кўра, бирламчи транспозиция эркин бирикмаларни образли ва барқарор ифода топишини таъминлайди, иккиламчи транспозицияда эса ушбу образли ифодалар фразеологик мақомга эга бўлади. Мазкур ишида транспозициянинг *“эллентик, конверсив ва деривацион”* каби турлари фарқланади³¹.

Ана шулардан келиб чиқиб, транспозиция ва лисоний деривация муносабатини Е.С.Кубрякова томонидан илгари сурилган донорлик ва мақсад (целевой) майдонларининг ўзаро кесишувини ўзида акс эттирувчи семантик ҳодиса сифатида, унинг унинг таснифини эса М.В.Никитин томонидан қайд этганидек, конверсив ва тропли деривация доирасида белгилаш мумкин. Шундай йўл тутилганда функционал-семантик кўчиш билан алоқадор барча ҳодисаларни, хусусан, муайян категория доирасида ҳамда категориялараро кўчиш асосида содир бўладиган семантик-грамматик ва семантик дериватларни муайян бир мавзу доирасида ўрганиш имкони туғилади.

Боб бўйича хулоса

Юқорида айтилганидек, сўз ясалиши баҳсида семантик силжиш, кўчиш билан боғлиқ булган ҳодисалар семантик (лексик-семантик) усул доирасида ўрганилади. Бу усулнинг воқеланиши метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби ҳодисалар билан бирга конверсия орқали ўз ифодасини топиши қайд этилади. Ясалишнинг мазкур тури, кўпчилик манбаларда аффиксиз сўз ясалиши тарзида ҳам талқин этилади.

Бироқ бу ҳодисалар асосида вужудга келадиган дериватларнинг кўпчили контекстуал қарамликда намоён бўлади. Ана шу ҳолат уларнинг узуал ва оккоионал типларини фарқлаш масаласида мунозараларга ҳам сабаб бўлиб келмоқда. Бизнинг назаримизда, бундай баҳсларга чек қўйишнинг йўлларида бири сўз ясалиши баҳсида семантик усул сифатида ўрганиб

31 Соколова Г.Г. Фразеобразование во французском языке. - М.,1987.-С.8-10; 58-64.

келинган ҳодисаларни туб моҳиятига эътибор беришдир. Бинобарин, бу ҳодисаларни воқелантиришда кўзланадиган асосий мақсад «сўз яшаш эмас, балки (*семаобразование*) *маъно яшашдир*»дир.

Кейинги йилларда олиб борилган дериватологик тадқиқотларда кўчиш билан алоқадор бўлган барча ҳодисаларни семантик деривация доирасида бирлаштирилишининг боиси ҳам шундадир. Бинобаринт, маъно ясалиши ҳар доим сўз ясалишига олиб келади деб бўлмайди. Чунки бу турдаги ҳодисаларнинг воқеланишини лексик деривацияда бўлганидек, тил бирликларининг симметрик қонунияти ёки субординатив иерарихия билан изохлаб бўлмайди. Ана шу жиҳатлар кўчиш билан алоқадор барча ҳодисаларини тарнспозитив қонуниятлар билан боғлиқлигидан далолат беради. Бинобарин, транспозиция (лотинча *transposition*) тил бирликларининг “ўрнини алмаштириш, бошқа жойга кўчириш” маъносига эга бўлиб, унинг синтактик, морфологик ҳамда конверсия орқали намоён бўлиши, шунингдек, кенг маънода, ҳар қандай лингвистик форманинг (замон, майл, тусланиш ва жумлаларнинг) кўчиши, функционал ўзгариши орқали кўзга ташланиши, шу хусусиятига кўра метафора, метонимия каби маъно кўчиш усуларини ўз таркибида бирлаштириши орқали ана шу қонуният ўз ифодасини топади. Бу қонуниятнинг негизида эса тил бирликларнинг функционал-семантик қиёсини ўзида акс эттирувчи асос форма, транспозитор ва траспозит ўртасидаги муносабат ётади.

Хусусан, синтактик транспозициянинг воқеланиши “жумланинг ички ўзгариши, унинг грамматик жиҳатдан қайта ташкил топиши орқали намоён бўлади: *Инженер создал машину – Машина создан инженером*”³². Демак, синтактик транспозиция шароитида гап бўлакларининг комбинацион ўзгариши билан бир қаторда, уларнинг функционал-семантик хусусиятларида ҳам янгланиш содир бўлади. Чунки асос структурада *инженер - эга, создал – кесим, машину – тўлдирувчи* мавқеидаги бирлик

³² Мурзин Л.Н. Основы дериватологии.-Пермь,1984.-С.27.

бўлса, унинг транспозитив ҳолатида *создал – кесим, машина – эга, инженер – тўлдирувчи* вазифасидаги бирлик сифатида ўзгаради.

Транспозициянинг морфологик шакли тил бирликларининг сифат ўзгариши орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у тўлиқ транспозиция деб юритилади. Чунки морфологик транспозиция синтактик типдан фарқли равишда тил бирликларининг жумла таркибидаги функционал ўзгариши билангина чегараланмайди, балки семантик жиҳатдан янгиланиш, ўзгариш ҳам содир бўлади. Масалан, *different* (фарқ) от туркумига мансуб асос структуранинг *difference* (фарқли) тарзида сифатга кўчишида транспозитор вазифасидаги морфологик кўрсаткич, яъни –се форманти муҳим роль ўйнаган.

Транспозициянинг конверсив типиди эса, бундай морфологик кўрсаткичлар иштирок этмайди. Бундай турдаги кўчиш жараёни бевосита семантик компонентлар ўртасидаги семантик-синтактик алоқадорликка таянилади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, транспозициянинг конверсив типиди предикат ва унинг аргументлари ўртасидаги боғланиш эътиборга олинади. Масалан, *He room with aunt || The man knifed his room – mate* жумласида от туркумига мансуб *room* сўзи орқали инглиз тилида ижарага олинadиган объект, яъни хона, уй ҳамда мазкур хона ёки уйни ижарага олиш вазиятлари ўртасидаги функционал-семантик алоқадорлик транспозициянинг соир бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида эса кўп ҳолларда лексик бирликлар ўртасида омонимия вужудга келади.

Транспозиция ҳодисаси фақат туркумлараро кўчиш орқалигина эмас, балки муайян бир туркумнинг ички кўчиши асосида ҳам содир бўлади. Шунинг учун у метафора, метонимия каби ҳодисаларни ҳам ўзида бирлаштиради. Бу ҳодисалар эса полефункционал асосли кўчишдан фарқли равишда, полесемантик сўзларга таянади. Полесемантик сўзлар муайян бир туркумга мансуб сўзнинг ички янгиланиши асосида вужудга келади.

Шундай қилиб, транспозиция ва лисоний деривация ўртасидаги муносабатни: а) асос структурага хос туркумлилик белгисининг сўз ясовчи

аффикс таъсирида ўзгариши, б) тил бирликларининг конверсив кўчиши орқали янгиланиши, в) лексик бирликларининг метафора, метонимия каби маъно кўчиш усуллар асосида янгиланиши орқали қайд этиш мумкин. Ишнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда қуйида тарнспозицияни фақат бир кўринишига, яъни транспозитив конверсияга тўхталишни лозим топдик.

ИККИНЧИ БОБ

ЛЕКСИК КОНВЕРСИЯ ВА УНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

3.1. Лексик бирликларнинг конверсия таъсирида функционал-семантик кўчиши. Тадқиқотларда конверсив деривациянинг воқеланиши тил бирликларининг функционал-семантик кўчиши билан боғлиқ эканлиги ва бу кўчиш субстантивация, адъективация, адвербализация каби ички ходисалар доирасида кузатилиши қайд этилган бўлса ҳам, кўчишнинг қандай лингвистик шароитда содир бўлиши ҳақида аниқ бир мулоҳаза билдирилмайди.

Баъзи ишларда конверсиянинг нутқ жараёни билан боғлиқ ҳолда содир бўлиши эътиборга олинган ҳолда у нутқ ҳодисаси сифатида баҳоланади. Хусусан, Ҳ.Неъматов ва ҳаммуаллифларнинг фикрига кўра: “Транспозиция ҳам, конверсия ҳам нутқ ҳодисаси бўлиб, уларни лексикализация билан аралаштирмаслик лозим. Лексикализация лисоний ҳодиса бўлиб, сўз, сўз шакллари, сўз бирикмаларидан маъновий ихтисослашиш, соддаланиш, тублашиш асосида янги лисоний бирлик – лексеманинг пайдо бўлиши лисоний лексик парадигмадан қатъий ўрин эгаллашидир”³³.

Бизнингча, қайд этилган ходисалар ўртасида бири орқали иккинчисининг келиб чиқишига асосланувчи муносабат мавжуд. Хусусан, муайян синтактик қуршов иштирокчиси бўлган сўз формасининг лексикализацияланиши учун, у дастлаб функционал-семантик кўчиш босқичини ўташи лозим. Масалан, “Ўқиган ўқдан ўзар” мақолидаги ўқиган сифадоши лексик конверсия таъсирига тушган, бироқ бу бирлик лексикализацияга учрамаган. Аммо *илмоқ*, *қуймоқ*, *чақмоқ* каби феълнинг инфинитив формалари ҳар икки босқични ўтган. Шунинг учун ҳам улар ҳаракат номи бўлиши билан бирга от мақомида қўлланувчи омонимлар ҳисобланади³⁴.

³³ Неъматов Ҳ., Асадов Т., Ширинова Н. Конверсия, тарспозиция ва лексикализация ҳақида//Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. –Т.,2010. 30-34-бетлар.

³⁴ Ўзбек тили лексикологияси. –Т., 1981. 279-бет.

Конверсия ва лексиколитизация ҳодисаларининг ҳар бири ўзига хос вазифага эга бўлса ҳам, бу икки ҳодиса, охир-оқибатда, бир мақсадга, яъни турли нутқ бирликларини лексик сатҳга хослаш учун хизмат қиладиган ҳамкор ҳодисалардир. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, лексик конверсия ва ҳамкор ҳодисалар муносабати биргина лексикализация билан чегараланмайди. Чунки бу ҳодиса плонизм, семантик компрессия, эллипсис, десемантизация идеоматизация каби ҳодисалар ҳамкорлигида содир бўлади. Лексик конверсияга баҳо беришда ана шу ҳамкорликка олиб келувчи тамойиллар эътиборга олинмоғи лозим. Акс ҳолда, уни категориал кўчишига олиб келувчи нутқий ҳодиса сифатида талқин этишдан нарига ўтиб бўлмайди.

Лексик конверсия ташқи жиҳатдан нутқ шароитида содир бўладиган категориялараро кўчиш тарзида намоён бўлса ҳам, у туб моҳиятига кўра тропи деривация сингари маъновий компонентлар комбинацияси орқали ўз ифодасини топадиган деривацион механизмларга таянади. Чунки, лексик конверсиядан кўзланадиган асосий мақсад сўз ясалиши эмас, балки турли шаклдаги нутқ бирликларини семантик-грамматик жиҳатдан лексик сатҳ талабига хослашдир. Бу ҳодиса натижасида вужудга келадиган ҳосилаларнинг мустақил сўз мақомига эга бўлиш-бўлмаслиги эса, тил эгаларининг барқарор номга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда ҳал қилинади. Хусусан, барқарор номга эҳтиёж туғилганда улар тўлиқ лексикализацияланади, акс ҳолда эса бу дериватларнинг фаолияти индивидуал нутқ доирасида чегараланади. Аммо ҳар икки ҳолда ҳам лексик конверсиянинг воқеланиши тил эгалари онгида шаклланган тарнспозитив механизмларга таянади. Ана шу идрокий асос туфайли турли нутқ бирликларини, хусусан, сўз шакллари, сўз бирикмаларини исталгин пайтда функционал-семантик жиҳатдан лексик сатҳдаги марказий бирлик бўлган сўз талабига хослаш мумкин бўлади.

Ана шулардан келиб чиқиб, лексик конверсияга хос махсуллари лисоний узуаллик касб этиши ёки нутқий оккозионал ҳолатда намоён

бўлиши билан боғлиқ мезонларга а ҳам бошқачароқ баҳо беришга тўғри келади. Чунки лексик конверсиянинг бу икки асосга муносабати уни сўз ясалишининг морфологик-синтактик усули сифатида баҳолаш натижасида келинган хулосаларни ўзида акс эттиридаи. Хусусан, “Ўзбек тили лексикологияси”да билдирган фикрга кўра: “Сўз ҳеч қандай семантик ўзгаришга учрамай, фақат мавжуд синтактик шароитдан келиб чиқиб, иккинчи туркум вазифасини бажарадиган бўлади. Масалан, *Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин* жумласидаги *яхши* ва *ёмон* сифатлари гапдаги эллиптик жараёндан келиб чиқиб, от туркумига хос вазифада келган **оказионал** бирликлардир”. Узуал конверсия эса “сўзнинг ноль аффикс билан иккинчи туркумда сўз яшаш” муҳим асос сифатида белгиланади³⁵.

Конверсив дериватларнинг узуал ва окказионалликка муносабатини бу тарзда белгиланиши диахрон нуқтаи назардан ўзини оқласа ҳам, синхрон жиҳатдан тамомила ўзгача тамойилларга таяниб иш кўришни талаб қилади. Чунки лексик конверсиянинг воқеланиши семантик деривацион механизмлар билан боғлиқ бўлгани боис, унни сўз ясалишига қўйилган талаблар билан баҳолаб бўлмайди. Зеро, бу деривацияга хос маҳсулларининг алоҳида сўз мақомига эга бўлиши, бошқа семантик ясалишларда бўлгани каби, қисқа фурсат билан ўлчаб бўлмайди. Бу жараён кўп босқичли бўлиб, унинг илк босқичини индивидуал нутқ ташкил қилади. Унинг кейинги босқичи эса бу ҳодисага хос ҳосилаларнинг ижтимоий нутқий фаолият билан боғлиқдир. Чунки ҳосилаларнинг ижтимоий нутқий фаолиятда кенг қўлланиши натижасида, улар лексикализацияга учрайди, ва А.Ғуломов томонидан қайд этилганидек: «Одатдаги ҳол тусига кирган, ўзлашган, умумлашган, якка ҳолда ҳам ҳар икки томонни, ясама учун асос бўлган элементни ва ясаиб чиққан элементни эслатиб турадиган» ҳолга келади³⁶.

Лексик конверсиянинг узуал ва окказионалликка муносабати семантик нуқтаи назардан баҳоланганда эса лексик бирликларга хос ички боғланишига алоқадор кўрсаткичларга, яъни семантик-синтактик валентлик талабига

³⁵ Ўзбек тили лексикологияси.-Т., 1981..274-бет.

³⁶ Ўзбек тили грамматикаси. 1-т. –Т.,1975. 51-бет.

эътибор қаратиш керак бўлади. М.М.Миртожиев томонидан қайд этилганидек, “Сўзнинг валентлиги ҳам, валентликнинг намоён этилиши ҳам унинг лексик (узуал) маъноси билан боғлиқ” ҳолда белгиланади. Чунки ҳар қандай лексик бирлик “шу валентликка кўра орттирилган актантлар куршовида воқеланганда узуал ҳисобланади”. Агар “маъно сўзнинг валентлиги тақозосига кўра эмас, балки гул сўзи “жонон” оккозианал маъносида қўллангани каби “ўз нутқий мавқеидагина воқеланса” оккозионал деб қаралади³⁷.

Ана шу нуқтаи назардан қаралганда, ҳозирга қадар туркумлараро кўчиш ва оккозионал деб баҳолаб келинган субстантивация, адъективация, адвербиализация каби конверсив масулларнинг кўпчилиги узуалликни ўзида акс этириши маълум бўлади. Чунки бундай ҳосилалар конверсив кўчишнинг одатдаги ҳол тусига кирганлиги, ўзлашган, умумлашган, якка ҳолда ҳам ҳар икки томонни, яъни ясовчи асос ва ясалиб чиққан ҳосилани эслатиб туриши билан синтактик шароит иштирокчиси бўлган сўзларнинг валентлик талабларига мос келадиган маъновий узуалликни ўзида акс эттиради. Шу нуқтаи назардан қаралганда, *Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин* жумласидаги *яхши* ва *ёмон* сифатларнинг субстантивациясини ўзида акс эттирувчи ҳосилаларни оккозионал деб бўлмайди.

Бошқа томондан эса, конверсив ҳосилаларни оккозионал ва узуалликка муносабатини белгилашда уларни вужудга келтирувчи деривацион механизмларнинг барқарорлиги ва изчилигига ҳам эътибор бериш лозим. Конверсив ҳосилалар тил эгаларининг нутқий фаолиятида мавжуд бўлган ана шундай ижтимоий кўникма ва тажрибаларни ўзида мужассамлантиради. Конверсив механизмга хос ана шу идрокий асос унга исталгин пайтда мурожаат қилиш имконини яратади.

Конверсив механизмлар ўзига хос социолингвистик аҳамиятга эгалиги билан ҳам характерланади. Чунки бу механизмлар лексик деривация ожиз бўлган ўринларни тўлдириш, тилнинг лексик сатҳини ортиқча лексемалар

³⁷ Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.,2010. 43-бет.

ҳисобига кенгайиб кетишидан сақлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, лексик конверсия бу хусусиятига кўра лингвистик иқтисодга олиб келувчи восита вазифасини бажаради. Чунки, бу деривацион ҳодиса, бошқалардан фарқли равишда асос структуранинг торайиши билан ҳам лингвистик иқтисодга даҳлдорлик қилади. Масалан, *Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин* жумласидаги *яхши* ва *ёмон* сифатларнинг субстантивацияси орқали *яхши одам, ёмон одам* бирикмаларига хос функционал-семантик белгиларнинг компрессияси ўз ифодасини топган.

Ана шуларнинг ўзиёқ лексик конверсияни, туб моҳиятига кўра, сўз структурасида мавжуд бўлган семантик имкониятлар доирасида воқеланувчи транспозитив ҳодисалар қаторида баҳолаш лозимлигидан далолат беради. Шундай бўлишига қарамасдан, лексик конверсия бошқа семантик деривациялардан фарқланувчи жиҳатларга ҳам эга. Хусусан, унинг синтактик жараён билан боғлиқ ҳолда воқеланиши ана шундай ўзига хосликлардан биридир. Ҳозирга қадар олиб борилган тадқиқотларда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилгани боис, унинг талқинида грамматик, яъни морфологик-синтактик ёндашув етакчилик қилган. Аслида эса, бу ҳодиса синтактик муносабат иштирокчилари бўлган лексик борлиқлар орқали ўз ифодасини топадиган семантик-грамматик алоқадорликка таянган ҳолда воқеланувчи ҳодисадир.

А.Ғуломов томонидан конверсиянинг воқеланиш кўламига доир қуйидаги хусусиятларнинг ҳар бири мазкур ҳодисанинг семантик структура билан боғлиқ эканидан далолат беради: 1) конверсия аффикс таъсирида юзага келади: *чоп* – феъл – *чоп+иқ* от; 2) бир сўз туркумининг ичидаги турли “айланишлар” асосида содир бўлади. Масалан, атоқли отнинг турдош отга кўчиши; 3) кўчишнинг асли синтактик шароит-синтактик ҳолатнинг кучи билан боғлиқ бўлса ҳам, бу ҳолат маъно ва бошқа томонлар билан ҳам алоқадор ҳолда воқеланиши. Масалан, *илгор, мард, қаҳрамон, ялқов* кабилар синтактик ҳолатдан ташқари ҳам деярлик от каби қўлланиш хусусиятига эга бўлиб қолган. 4) кўчиш семантик ўзгаришнинг – маъно тараққиётининг

натижаси (синтактик ҳолатнинг роли билан биргаликда) бўлиб ҳам туғилади: энди равиши ўрни билан юклама вазифасида ҳам ишлатилади³⁸.

Келтирилган бу тавсифга кўра конверсиянинг лексик сатҳ билан алоқадор икки типини ажратиш мумкин: а) **морфологик конверсия** - дисемантизация ва грамматикализация ҳодисалари ҳамкорлиги асосида воқелангани ҳолда, мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзга кўчиши орқали намоён бўлади, б) **лексик конверсия** семантик-грамматик компонентлар алоқадорлиги асосида ўз ифодасини топадиган ҳодиса бўлиб, у турли категорияга мансуб синтактик бирликларни функционал-семантик жиҳатдан лексик сатҳ талабига хослаш ва шу асосда номинатив мақсадни рўёбга чиқариш учун хизмат қилади.

Лексик конверсиянинг лингвистик мақоми ана шулардан келиб чиқиб белгиланадиган бўлса, унга хос ҳосилалар орқали яққол кўзга ташланадиган категориал кўчиш замирида синтактик жараён иштирокчиларини функционал-семантик жиҳатдан лексик сатҳга хословчи семантик-грамматик механизмларнинг ўз ифодасини топишини қайд этига тўғри келади. Шу хусусиятига кўра лексик конверсия категориал кўчиш орқали намоён бўладиган, морфологик конверсиядан, шунингдек, Л.Н.Мурзин ва Ғ.Х.Яхшибоевларнинг ишларида қайд этилган синтактик конверсиядан ҳам фарқ қилади³⁹. Шунингдек, бу ҳодиса орқали ўз ифодасини топадиган деривацион жараёни сўз ясалишининг “морфологик-синтактик” усули сифатида тавсифлаш ҳам ўзини оқламайди. Чунки лексик деривациянинг воқеланишидан кўзланадиган мақсад сўз яшаш эмас, балки семантик-грамматик хусусиятли дериватларни вужудга келтириш орқали номинатив эҳтиёжни қондиришдир.

Қайд этилган фикрлар лексик конверсиянинг лингвистик сатҳлар билан муносабати масаласига ойдинлик киритишни талаб қилади. Мавжуд манбаларда, бу масала бўйича, М.В.Никитин томонидан билдирилган фикрни

³⁸ Ғуломов А. Ўша манба. 47-бет.

³⁹ Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. Пермь-1984.-С.27; Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси.-Т., 2006.70-бет.

эътиборга олмаганда, бирорта мулоҳаза кузатилмайди. Бу бежиз эмас, чунки конверсиянинг анъанавий тадқиқларида, унинг морфологик ва лексик типлари биргаликда олиб қаралгани ҳолда, бу ҳодиса сўз туркумларининг ўзгариши тарзида талқин этилинган.

Конверсиянинг грамматик ва лексик типларини ажратган М.В.Никитин эса, лексик конверсияни “грамматика ва лексика оралиғидаги” ҳодиса эканлиги билан характерланишини қайд этади⁴⁰. Бироқ ҳар қандай грамматик жараённинг воқеланиши сўз ва бошқа тил бирликларининг семантик структурасидаги валентлик имкониятларига таянади. Шу хусусиятига кўра лексик конверсиянинг воқеланишида бошланғич асос сифатида семантик структура хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, И.Қўчқартоев томонидан қайд этилганидек: “Нутқда сўзларнинг бир-бири билан бирикишини грамматик қоидаларнинг ўзи билангина изоҳлаш мумкин эмас. Чунки сўзларнинг нутқ жараёнида бирикиб келишида шундай нуқталар борки, улар тил структурасининг нограмматик факторлари асосида юзага келади”⁴¹.

Дарҳақиқат, нутқ жараёнида сўзларни бир-бири билан бирикиб келишини таъминловчи нограмматик фактор сифатида сўз валентлиги муҳим аҳамиятга бўлади. Лексик конверсиянинг воқеланишида асос структура сифатида иштирок этадиган нутқ бирликларининг вужудга келишига оид бу қонуниятга эътибор бермасдан, сўз юритилаётган ҳодисанинг семантик-грамматик ва лексик сатҳларни ўзаро муносабатини таъминловчи восита сифатида баҳолаб бўлмайди. Бинобарин, А.Ғуломов томонидан қайд этилганидек, конверсив кўчиш “асли синтактик шароит – синтактик ҳолатнинг кучи билан боғлиқ бўлса ҳам, бу ҳодиса маъно ва бошқа томонлар билан алоқадордир”⁴².

Бу ўринда қайд этилган “бошқа томонлар”, яъни “синтактик ҳолатнинг кучи ва маъно” эса лексик конверсияни семантик-грамматик асослар билан биргаликда воқеланишидан далолат беради. В.М.Никитовичнинг фикрига

⁴⁰ Никитин М.В. Курс лингвистической семантики – С.-Петербург., 2007. –С.444.

⁴¹ Қўчқартоев И. Сўз валентлиги ҳақида. ЎТА. №3.1973. 34-38-бетлар.

⁴² Ғуломов А. Ўша манба. 47-бет.

кўра, тилшуносликда сўз ясалишининг морфологик-синтактик усули сифатида эътироф этиладиган конверсиянинг воқеланиши ва у асосда вужудга келадиган ҳосила маъно сўзнинг грамматик структураси билан эмас, балки позиция талаби билан боғлиқдир. Чунки конверсив ҳосилалар грамматик ва семантик хусусиятлар кесишувини ўзида акс эттиради. Масалан, *больной* сўзининг от туркумига хос маъно ва вазифада қўлланишида унинг субстантив позицияда кела олиш хусусияти муҳим аҳамиятга эга бўлади⁴³.

Бу талкинда қайд этилган позиция лексик конверсияни воқеланиш характери аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки позиция термини, биринчидан, конверсия ҳодисасини вужудга келтирувчи асос структуранинг синтагматик муносабат билан боғлиқ эканлигига, иккинчидан, тил бирликларининг ҳар қандай синтагматик позицияси иштирокчиларнинг функционал-семантик имкониятлар доирасида белгиланишига ишора қилади. Лексик конверсияни вужудга келтирувчи асос структуранинг сўз шакллари ва бирикмалари эканлиги эътиборга олинадиган бўлса, у ҳолда позициянинг аҳамияти синтагматик муносабат иштирокчилари ўртасидаги функционал ва семантик алоқадорликни белгиловчи восита эканлиги орқали кўзга ташланади.

Демак, бу борада аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳалдаги масала сўз бирикмаларининг синтактик деривациясини ташкил этувчи лексик бирликлар ўртасидаги функционал-семантик алоқадорликни вужудга келтирувчи қонуниятни аниқлашдан иборатдир. Ҳозирги тилшуносликда сўзларнинг синтактик муносабатга киришувида семантик ва синтактик валентликларнинг муҳим ўрин тутиши кўпчилик томонидан эътироф этилган ечимлардандир. Унга кўра лексик бирликларнинг синтактик реализацияси улардаги семантик валентлик орқали ўз ифодасини топадиган имкониятларларни номинатив ёки коммуникатив мақсадга мос ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Чунки сўзнинг синтактик жараёндаги лингвистик

⁴³ Никитевич В.М. Основы номинативной деривации. –Минск, 1985. -С.84.

мавқеи, бир томондан, валентлик имкоиятига эга бўлган бирлик сифатида синтактик қурилиш қолипни маъновий компонентлар билан таъминлашда, иккинчи томондан эса, “бўш ўринларини ўзида акс эттирувчи ички тузилишида синтактик муносабатнинг “склет”ига ишора қилувчи асос сифатида хизмат қилиши орқали кўзга ташланади⁴⁴.

Шу хусусиятига кўра сўз рационал грамматикачилар томонидан илгари сурилган ботиний ва зоҳирий асосларга эга бўлган предикатив марказни ўзида акс эттиради. Е.С.Кубрякова томонидан қайд этилишича, тил бирлиги бўлган сўзларда маъно коммуникатив ифода олмагани учун у нореал, яъни барқарор ҳолдаги предикатни, яъни “ички предикат”ни ўзида акс эттиради⁴⁵. Олиманинг бу фикри, ҳар бир сўз ўзининг семантик валентлиги тақозосига кўра бўш ўринларга эга бўлиши, шу боис у ички тузилишида синтактик муносабатнинг “склети”ни ҳосил қилиши ва бу склет нутқдан ташқарида ҳам англашилиб туриши ҳақидаги юқоридаги (А.Нурмонов ва ҳаммуаллифларнинг) мулоҳазанинг мантиқий изчиллигини ўзида акс эттиради. Демак, тил бирлиги бўлган сўз орқали англашиладиган семантик-синтактик имкониятлар нутқ шаритида унга маъно жиҳатдан мутаносиб бўлган сўзларни, яъни аргументларни танлаш асосида рўёбга чиқарилади. Лексик конверсиянинг воқеланиши учун асос бўладиган синтактик бирликлар шу асосда вужудга келади.

Н.М.Шанскийнинг ишида сўз ясалишининг морфологик-синтактик усули сифатида талқин этилган лексик конверсиянинг лексиколизацияланиш даражасига кўра турлари фарқланади. Унинг ёзишича, бу ҳодисага хос ҳосилалар орқали фонетик нуктаи назардан янгиланиш кузатилмаса-да, уларда ўзига хос маъно янгиланиши ва янгича структур-грамматик хусусиятга эга бўлиш акс этади. Бу хусусият морфологик-синтактик ҳосилаларнинг икки типи орқали, яъни “лексикализацияланган грамматик формалар” ва “парадигмаси семантик-грамматик жиҳатдан қайта шакллантирилган типлар” орқали кўзга ташланади. Бу икки типга хос фарқ

⁴⁴Нурмонов А., Маҳмулов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тили мазмуний синтаксиси.-Т.,1992.39-бет.

⁴⁵ Кубрякова Е.С.Номинативные аспекты речевой деятельности.-М.,1986.-С.119.

эса, бирининг ўз грамматик категориясини тўла ўзгартирганлиги, иккинчисининг эса категориал белгисини сақлагани ҳолда бошқа туркумга хос вазифада қўлланиши имкониятига эга бўлиши орқали намоён бўлади⁴⁶.

Гарчи келтирилган бу фарқлар конверсияни сўз ясалишига олиб келувчи ходиса эканини далиллашга хизмат қилса ҳам, бу мулоҳаза лексик конверсиянинг ички турлардан иборатлигига ишора сифатида аҳамиятлидир. Чунки лексик конверсияга хос ҳосилаларнинг қиёси мазкур ходисанинг таркибан бир-бирига мутаносиб бўлмаган ички ходисалардан иборатлигини кўрсатади. Хусусан, ўзбек тилидаги *илмоқ, чақмоқ, қуймоқ, ўймоқ* // *ўйнаш, ўқиш, турмиш* // *танлов, сайлов* каби асли феълнинг ҳаракат номи шакллари, *қуйин, чақин, тиқин* // *чиқит, қурут* каби феълларнинг нисбат шакли бўлган сўз формаларининг субстантивацияси натижасида вужудга келган ҳосилаларни ҳамда *етти, тўққиз, йигирма, қирқ* каби сонлар ва *оқ, кўк, қизил* каби сифатлар субстантивацияси натижасида вужудга келган ҳосилаларни билан бир хил лингвистик шароитда ҳосил бўлган деб бўлмайди.

Бироқ ҳар икки турдаги ҳосилаларнинг функционал-семантик кўчиш асосида вужудга келганлиги, шунингдек, кўчишнинг асос структура билан маъновий алоқадорлик асосида содир бўлганлиги мазкур ҳосилалар орқали лексик конверсиянинг икки типда воқеланишидан дололат беради.

А.Ғуломовнинг ишида бундай ички фарқланиш икки асос билан боғлиқ ҳолда, яъни: а) кўчишнинг “асли синтактик шароит – синтактик ҳолатнинг кучи билан боғлиқ” бўлса ҳам, бу ходиса маъно ва бошқа томонлар билан алоқадордир” эканлиги, б) “маъно ва бошқа томонлар” “бир сўз туркумининг ичидаги турли “айланишлар” билан боғлиқ эканлиги орқали қайд этилади⁴⁷.

М.В.Никитиннинг ёзишича, лексик конверсиянинг воқеланишига олиб келувчи семантик механизм фикрнинг нарса ва белги категорияларига хос имплекацион ассаиотив алоқадорликка таянади. Бу категорияларга хос имплекацион ассаиатив алоқадорлик эса нарсанинг белгига эга бўлиши, белгисининг эса нарсада намоён бўлиши орқали кузатилади. Лексик

⁴⁶ Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию. -М., 1968. -с.268-269.

⁴⁷ Ғуломов А. Ўша манба. 47-бет.

конверсия жараёнда ассаиатив тасаввур марказида ана шу икки категориялардан бири, яъни нарса ёки белги туради. Ана шу категориялар ўртасидаги имплекацион ассаиатив алоқадорликка таянилган ҳолда нарса воситасида белги ва аксинча, белги воситасида нарсани англаш ва ифодалаш мумкин бўлади⁴⁸.

Ана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, лексик конверсиянинг икки турини, яъни: а) бевосита синтактик шароит – синтактик ҳолат тақозосига кўра воқеланувчи *зоҳирий асосли*, б) бир сўз туркумининг ичидаги турли “айланишлар” билан боғлиқ *ботиний асосли* типларни фарқлаш имконини беради. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ўзбек тилидаги *илмоқ*, *чақмоқ*, *қуймоқ*, *ўймоқ* // *ўйнаш*, *ўқиш*, *турмиш* // *танлов*, *сайлов* каби асли феълнинг ҳаракат номи шакллари, *қуйин*, *чақин*, *чиқит*, *қурут* каби нисбат шаклидаги феълларнинг субстантив муқобиллари асос сўз, яъни феъллар орқали ўз ифодасини топадиган ички предикат ва унинг ботиний аргументлари ўртасидаги имплекацион ассаиатив алоқадорликни идрок этиш натижасида вужудга келганлигини қайд этиш мумкин. Масалан, *илмоқ* ҳосиласи учун асос сифатида *илиб кўтармоқ* феъли иштирок этади. Чунки илиб кўтариш ёки олиш ҳаракатини амалга оширишда восита сифатида *илмоқ* ёки *илгакдан* фойдаланилади. Демак, *илмоқ* дериватининг вужудга келишида ҳаракат ва ҳаракат воситаси бўлган нарса ўртасидаги имплекацион ассаиатив алоқадорликни идрок этиш муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Чақмоқ, *қуймоқ*, *ўймоқ*, *қурут*, *чиқит* каби ҳосилаларнинг вужудга келишида ички предикатга хос восита аргументи эмас, балки унга хос натижа аргументи ўртасидаги имплекацион ассаиатив алоқадорликка таянилалади. Чунки *чақмоқ* - чақиш ҳаракатининг, *қуймоқ* - қуйиш ҳаракатининг, *ўймоқ* - ўйиш ҳаракатининг, *қурут* - қуриш ҳаракатининг, *чиқит* – чиқариш ҳаракатининг натижасида юзага келадиган нарса тушунчасини ифодалайди. Худди шунингдек, *ўйнаш*, *ўқиш*, *турмиш*, *танлов*, *сайлов* ҳосилалари ҳам ички предикат ва натижа аргументи ўртасидаги имплекацион ассаиатив

⁴⁸ Никитен М.В. Курс лингвистической семантики – С.-Петербург., 2007. –С.470.

алоқадорликни идрок этиш асосида вужудга келган. Ана шу хусусиятига кўра бундай конверсив ҳосилаларни ботиний синтактик жараён асосида вужудга келганлигини қайд этиш мумкин. Демак, А.Ғуломов томонидан қайд этилган “бир сўз туркумининг ичидаги “айланишлар” ҳам, туб моҳиятига кўра, ички предикат ва унинг ботиний аргументлари ўртасидаги имплекацион ассациатив алоқадорликни идрок этиш натижасини ўзида акс эттиради.

Лексик конверсивларнинг иккинчи тури сўз бирикмаси орқали ўз ифодасини топадиган функционал-семантик хусусиятларни бирикмадаги синтактик компонентлардан бирига кўчирилиши орқали воқеланади. Шу хусусиятига кўра, лексик конверсиянинг зоҳирий асосли тури орқали ўз ифодасини топадиган функционал-семантик кўчиш юқорида қайд этилган ботиний асосли типдан фарқланади. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳар икки типда конверсив кўчишнинг синтактик жараён иштирокчиларига хос имплекацион ассациатив алоқадорликка таяниши жиҳатидан ўхшашлик кузатилади. Бу икки тип ўртасидаги асосий фарқ эса имплекацион ассациатив алоқадорликдан дарак берувчи семантик-синтактик марказнинг, яъни предикатнинг лингвистик мақоми орқали кўзга ташланади. Хусусан, ботиний асосли типда ички предикат ва унинг аргументларига хос имплекацион ассациатив алоқадорликни идрок этиш асосида конверсив кўчиш содир бўлса, зоҳирий асосли типда лексик конверсиянинг вужудга келтирувчи асос сифатида бевосита сўз бирикмалари иштирок этади. Имплекацион ассациатив алоқадорликдан далолат берувчи предикат ва аргументлар муносабати ҳам ана шунга монанд равишда зоҳир бўлади.

Е.С.Кубрякованинг қайд этишича, содда ва қўшма ясама сўзлар ҳамда сўз бирикмаларининг ҳосил бўлишида **“атамар предикат”** иштирок этади. Предикатнинг бу тури “Феъл орқали ифодаланадиган реал предикатдан фарқли равишда конкрет муносабатни ифодаламайди, балки унинг воситасида ё шундай муносабатга ишора қилинади (carula), ёки

конкретлаштиришга эҳтиёж сезилмайдиган ўта умумий ва мавҳум алоқага ишора қилади”⁴⁹.

Бундан келиб чиқадики, сўз бирикмалари таркибидаги лексик компонентларга хос семантик валентликнинг реализацияси атамар предикат ва унинг аргументлари муносабати орқали таъминланади. Бошқача қилиб айтганда, сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси атамар предикатга хос семантик имкониятлар даражасида аргументларни танлаш асосида амалга оширилади. Чунки атамар предикат, туб асосига кўра, ўзига хос семантик валентликка эга бўлган лексик бирлик бўлиб, у, бир томондан, “сўзларнинг мазмуний боғланиш имконияти”ни белгиловчи семантик-синтактик марказ сифатида, иккинчи томондан эса, “икки сўзнинг ўзаро тўғри боғланиши учун ҳар икки қисмда такрорланадиган умумий сема”га ишора қилувчи марказий восита сифатида аҳамиятга эга бўлади⁵⁰.

Худди шундай хусусиятлар ички предикатга ҳам хосдир. Чунки ботиний асосли лексик конверсияни воқеланишида семантик-синтактик марказ сифатида иштирок этадиган ички предикат бевосита коммуникатив ифода олмаса ҳам, унга хос семантик имкониятлар аниқ бир вазиятга даҳлдор имплекацион ассациатив алоқадорликни идрок этиш воситаси сифатида иштирок этади. Бошқача қилиб айтганда, сўзлар валентлиги ва ички тузилишида синтактик муносабатнинг “склети”ни, яъни “реляцион склет” ўзида акс эттиради. Ботиний асосли лексик конверсияни воқеланиши ана шу семантик-синтактик имкониятга таянади. Унинг зоҳирий типи эса реляцион ва конфигурацион “склет”нинг ўзаро узвийлигини ўзида акс эттирувчи сўз бирикмаларига асосланади⁵¹.

Сўз бирикмасидаги ҳоким компонент атамар предикат мақеидаги сўз бўлиб, ана шу сўзга хос валентлик тақозосига кўра эргаш сўзлар танланади. Бунинг натижасида эса ҳар икки қисмни семантик-синтактик жиҳатдан

⁴⁹ Кубрякова Е.С. Номинативные аспекты речевой деятельности. - М., 1986. - С. 107-119.

⁵⁰ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. - Т., 1995. 32-33-бетлар.

⁵¹ Нурмонов А., Маҳмулов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тили мазмуний синтаксиси. - Т., 1992. 43-бет.

бириктириб турувчи умумий сема, яъни **“классема”** вужудга келади⁵². Классема сўзловчининг нутқ жараёнидаги мақсади билан боғлиқ бўлган валентликларнинг танланиши орқали намоён бўлади. Шу хусусиятига кўра классема бирикма компонентлари орқали ўз ифодасини топадиган имплекацион ассаиатив алоқадорликни конкрет вазият билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилиш имконини берувчи асос вазифасини ўтайди. Классемадан англашиладиган имплекацион ассаиатив алоқадорлик туфайли бирикма қисмларидан бири орқали иккинчисини англаш имконияти юзага келади. Масалан, *одам* сўзи “фикрлаш”, “сўзлаш”, “меҳнат қилиш қобиляти”га бўлган ҳамда “кишилиқ жамиятида ўзига хос хулқ-атвори билан ажралиб турувчи”, “жонли зот” каби семаларига эга. Булардан “хулқ-атвор” семаси “кишига хуш ёқадиган, мақул бўладиган” ёки аксинча кишига хуш ёқмайдиган, мақул бўлмаган” белгилар орқали намоён бўлиши мумкин. Ана шу ижобий ва салбий белгиларни ифодалаш зарурати туғилганда, ушбу белги одам атамар предикатига хос валентлик тақозосига кўра *яхши ва ёмон* сўзлари воситасида рўёбга чиқиши мумкин. Бунинг натижасида вужудга келадиган *яхши одам ва ёмон одам* бирикмаларининг ҳар икки қисмда бири иккинчисини тақозо этадиган умумий сема вужудга келади. Шу асосда, лексик компонентларнинг у ёки бу синтактик моделидаги функционал-семантик позицияси ҳам белгиланади.

Лексик компонентларга хос позицион барқарорлик бирикма классемаси орқали ўз ифодасини топадиган имплекацион ассаиатив алоқадорликдан далолат берадиган умумий семани аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ўз навбатида, бу лексик конверсиянинг воқеланиши учун қулай вазият ҳисобланади. Масалан, *яхши одам* бирикмасида ҳоким ва тобе сўзлар орқали ўз ифодасини топадиган такрорланувчи умумий семалардан бирининг бартараф этилиши натижасида *яхши* сифатининг субстантивацияси вужудга келтирилади. Бу деривацион жараёнда эргаш сўз эллипсисга учраган ҳоким сўзга хос функционал-семантик хусусиятларни ҳам ўз зиммасига олади.

⁵² Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т., 2010. 68-бет.

Бунинг натижасида вужудга келган ҳосилада биркмадаги икки компонентга хос семантик белгиларнинг ўзаро уйғунлиги, яъни семантик компрессияси акс этади. Лексик конверсияда умумий семанинг аҳамияти ҳосил қилувчи ва ҳосила семалар ўртасидаги мотивацион муносабатдан далолат берувчи восита сифатида ҳам намоён бўлади.

Лексик конверсиянинг бу типи Е.Кубрякова томонидан тавсия қилинган таҳлил тамойилига кўра, асос сифатида иштирок этадиган эркин бирикма донорлик майдонини, бирикма таркибидаги субстантив, адъектив, адвербал позицияли лексик бирликлар эса мақсад майдонини тақозо этади. Чунки лексик конверсия жараёни донорлик майдони орқали ўз ифодасини топадиган умумий семани мақсад майдонига кўчириш эвазига содир бўлади. У ўзининг ушбу қарашини қуйидаги мисол орқали далиллайди. Инглиз тилидаги *salt* ва *to salt* сўзларидан биринчиси, яъни *salt* предметлик майдонига мансуб бўлиб, унинг *to salt* шаклидаги транспозицияси натижасида асос сўз предметлик майдонидан ҳаракат майдонига кўчади. Бу жараённинг воқеланишида эса, инсоннинг ушбу нарсдан фойдаланиш тажрибаси, яъни тузнинг тузлаш учун ишлатилишига доир билими муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида эса **“гибрид структурали композит маъно”**ли дериватлар вужудга келади⁵³.

Ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб бирикмага хос умумий семани, яъни классемани деривацион операнд сифатида, компонентлар орқали ўз ифодасини топадиган семантик алоқадорликни эса оператор сифатида белгилаш мумкин. Ишнинг аввалги бобида деривацион операнд ва операторлар муносабатини лексик бирликлар субстантивациясига таянган ҳолда, $X \rightarrow N$ типик модели орқали умумлаштирилган эди. Бу умумий моделдаги $[X]$ ишораси операнд вазифасидаги классемани, $[\rightarrow]$ ишораси ўзаро алоқадорликка ишора қилувчи семантик операторни, $[N]$ эса ҳосиланинг рамзидир. Ушбу семантик модел орқали ўз ифодасини топадиган субстантив конверсиянинг хусусий ифодаларини эса қуйидагича тасвирлаш

⁵³ Кубрякова С.Е. Язык и сознание. – М., 2005. –С.344.

мумкин: 1) $A_j \rightarrow N$ модели: *кўр, кар, чўлоқ, пакана, малла, сариқ, оқ, қизил* каби турли сифатларнинг субстантивацияси орқали ўз ифодасини топади; 2) $Num \rightarrow N$ модели: *етти, йигирма, қирқ* каби сонларнинг маросим номи сифатида қўлланиши ҳамда бошқа сонлар субстантивацияси орқали ўз ифодасини топади; 3) $V \rightarrow N$ модели: *ўқиган, ўқувчи, чопар, кенгаш, кураш, илмоқ* каби сифатдош ҳамда инфинитив феълнинг субстантивацияси орқали ўз ифодасини топади⁵⁴.

Инглиз тилида $V \rightarrow N$ моделидаги лексик конверсивларни қуйидагилар мисолида кузатиш мумкин:

love (свги) - *love* (севмоқ),

want (етишмовчилик, эҳтиёж) - *want* (эришишга интилмоқ, эҳтиёжманд бўлмоқ, хоҳламоқ)

water (сув) - *water* (сувламоқ, сув қуймоқ)

paper (қоғоз) - *paper* (қоғозга ўрамоқ)

pencil (қалам) - *pencil* (қаламда чизмоқ, ёзмоқ)

pen (перо) - *pen* (перода ёзмоқ)

place (жой, ўрин) - *place* (жойлашмоқ, ўрнашмоқ)

nest (уя, ин) - *nest* (уя қурмоқ, ин қўймоқ)

pray (тўлов) - *pray* (тўламоқ, харажатни қопламоқ)

bathe (чўмилиш) - *bathe* (чўмилмоқ)

cry (чақириқ, қийқириқ) - *cry* (чақирмоқ, қийқириб йиғламоқ)

tune (куй, оҳанг) - *tune* (куй таратмоқ, созламоқ)

try (уриниш) - *try* (уриниб кўрмоқ, текишириб кўрмоқ)

wax (мум) - *wax* (мумламоқ, мум қўймоқ)

flour (ун) - *flour* (ун сепмоқ, унламоқ)

whip (қамчи) - *whip* (қамчиламоқ)

whistle (ҳуштак) - *whistle* (ҳуштак чалмоқ)

nerve (нерв, асаб) - *nerve* (асбининг мустаҳкамлигини кўрсатмоқ)

fame (шон-шухрат, доврў) - *fame* (доврў таратмоқ)

⁵⁴ Ўзбек тили лексикологияси. –Т., 1981. 279-бет.

act (акт, ҳаракат) - *act* (ҳаракатга тушмоқ)

laugh (кулгу) - *laugh* (кулмоқ)

look (нигоҳ) - *look* (нигоҳ ташламоқ)

father (ота) - *father* (ота бўлмоқ, оталик қилмоқ)

Шунинг билан бир каторда, инглиз тилида $N \rightarrow V$ моделидаги лексик конверсия ҳам кенг тарқалган транспозитив усуллардан ҳисобланади. Мазкур модел асосида вужудга келадиган ҳосилаларни шартли равишда қуйидагича икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. $N1 \rightarrow V1$ моделини қайд этиш мумкин. Бу модел “ҳаракат объекти ва ҳаракат ўртасидаги муносабат” орқали рўёбга чиқади. Масалан, *siki(s)* – *чанги ва чангида учмоқ*, *shell* – *снаряд ва снаряд билан ҳужум қилмоқ*, *knife* – *писоқ ва пичоқ билан кесмоқ ёки ўлдирмоқ* кабилар. Худди шу моделдаги конверсив дериватларни *mask*, *hook*, *hure*, *fence* каби конверсив феъллар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

2. $N2 \rightarrow V2$ модели юқоридагидан фарқли равишда ҳаракат воситаси ва ҳаракат ўртасидаги муносабат орқали от фелга кўчирилади. Масалан, *sail* – елкан ва елкан воситасида сузмоқ. Инглиз тилида *sail* лексик конверсиви кўп маъноли бўлиб, у елкан ёрдамида сузмоқ, юрмоқ, кезмоқ каби маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади.

Лексик конверсиянинг воқеланиши ўзбек тилига нисбатан инглиз тилида фаолроқ бўлиб, улар қуйидаги каби турларда учрайди:

1) вербализация асосида (verbalization): а) отнинг вербализацияси асосида: *water* → *to water*, *hand* → *to hand*, *back* → *to back*, *face* → *to face*; б) сифатнинг вербализацияси асосида: *empty* → *to empty* *pale* → *to pale*, *yellow* → *to yellow*, *cool* → *to cool*, *grey* → *to grey*, *rough* → *to rough*

2) феълнинг субстантивизацияси асосида (substantivation): *to do* → *do*, *to make* → *make*, *to run* → *run*, *to find* → *find*, *to catch* → *catch*, *to cut* → *cut*, *to walk* → *walk*, *to worry* → *worry*, *to show* → *show*, *to move* → *move*;

3) адектевация асосида (adjectivation): *down* → *down*;

4) адвербализация (adverbalisation): *home* → *home*

3.2. Конверсия гибрид структурали композит маънони вужудга келтирувчи восита сифатида. Е.Кубрякованинг юқоридаги ишида донорлик ва мақсад майдонларининг ўзаро кесишуви натижасида “*гибрид структурали композит маъно*”нинг вужудга келиши лексик ва семантик деривацион ҳосилаларга бирдик даҳлдорлигини қайд этади⁵⁵.

Лексик конверсив ҳосилалар ментал майдонларнинг кесишуви нуктаи назардан лексик ва семантик деривация жараёнларида муайян умумийликка эга бўлса ҳам, бу икки ҳодиса гибрид структурали композит маънонинг келиб чиқиш жиҳатдан фарқланади. Хусусан, семантик деривация жараёнида гибрид структурали композит маънонинг келиб чиқиш манбаи семантик-синтактик вазият талаби билан боғлиқ бўлиб, бунда ботиний ва зоҳирий асосли предикат ва аргументлар муносабати орқали ўз ифодасини топадиган семантик қайтариқни бартараф этиш ва асос структурага хос функционал-семантик хусусиятларни компонентлардан бирига юкланиши эвазига вужудга келтирилади. Шунинг учун ҳам конверсив ҳосилалар эллипсис ва семантик компрессияни ўзида акс эттиради. Масалан, *кал ва кўр* каби сифатларининг субстантив ифодаси орқали белги+шахс семаларининг компрессияси ўз ифодасини топади. Инглиз тилидаги $N \rightarrow V$ моделида вужудга келадиган *siki(s)* – *чанги ва чангида учмоқ* маъносидаги лексик конверсияда ҳам ҳаракат+унинг объекти ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида гибрид структурали композит маъно вужудга келади.

Сўз ясалишда эса қайд этилган ментал майдонларнинг ўзаро кесишуви асос ва формантларнинг синтагматик комбинацияси туфайли содир бўлади. Бундай комбинациянинг вужудга келиши эса «*ички валентлик*» тақозосига кўра амалга ошади. Чунки асос ва формантларнинг ўзаро танланиши ички валентлик талабига кўра вақеланади⁵⁶. Лексик конверсияда бўлгани каби, бу деривацион жараёнда ҳам асос ва формантнинг танланиши икки компонент орқали ўз ифодасини топадиган умумий семага асосланади. Масалан,

⁵⁵ Кубрякова С.Е. Язык и сознание. – М., 2005. –С.344.

⁵⁶ Қаранг: Степанова М.Д. О “внешней” и “внутренней” валентности слова // “Иностранный языки в школе, №6. 1973; Кўчкортосев И. Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, №3. 1973.36-бет.

дуторчи ясамасидаги дутор қисми “қуй чалинадиган иккита торли миллий мусиқа асбаб” луғавий маъносига эга. Ўз навбатида, бу луғавий маъно орқали “чалиш” ҳаракатининг инсон фаолияти билан боғлиқлиги ҳам англашилиб туради. Дутор асосига бириктирилган -чи форманти эса “шахс” минимал маъносига эга. Ана шу сематик алоқадорлик бу икки компонентни ички валентлик талабига кўра бир-бирини танлаши учун қулай имконият ҳисобланади.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, *дуторчи* ясамасининг вужудга келишида дутор асосининг “қуй чалинадиган иккита торли миллий мусиқа асбаби” эканлиги ва бу маъно марказида “чалмоқ” ҳаракати ва унинг инсон фаолияти билан боғлиқлиги каби мантиқий изчилликнинг муҳим аҳамият касб этганлигини қайд этиш мумкин. Ўз навбатида, бу мантиқий изчиллик асос ва формантларнинг синтагматик муносабатга киришувида, яъни уларнинг ички валентлик талабига кўра бир-бирини танлашида “чалмоқ” феъли атамар предикати билан боғлиқлигидан ҳам далолат беради. Бунинг далилини, биринчидан, *дуторчи* ясамасининг семантик структурасида асосий ўринда турувчи объект (дутор) ва субъект (шуғулланувчи шахс) компонентларининг моҳиятан “чалмоқ” феълининг семантик валентлиги билан боғлиқлиги, иккинчидан, ана шу компонентлар узвийлигини *дуторчи* ясамаси орқали ўз ифодасини топадиган “дутор чалиш билан шуғулланувчи шахс” луғавий маъноси орқали ўз ифодасини топиши мисолида кузатиш мумкин.

Демак, “дутор чалиш билан шуғулланувчи шахс” ҳукмига тенг бўлган *дуторчи* ясамасининг семантик структураси моҳиятан “чалмоқ” атамар предикатига хос бўлган объект (дуторни) ва субъект (шуғулланувчи шахс) аргументларининг ўзаро узвийлигини ўзида акс эттиради. Бу узвийлик натижасида муйян бир категрояга, яъни предметлик категориясига мансуб бўлган икки ментал майдоннинг, хусусан, нарса ва шахс майдонларининг ўзаро кесишувини ўзида акс эттирувчи гибрид структурали композит маъно вужудга келган. Ушбу маънонинг формал ифодасида эса $A+B=AB$ типигаги

линияли модели асосида амалга оширилади. Бу модел асос ва формантларнинг бирикиши ҳисобига ҳосила структуранинг кенгайишини ўзида акс эттиради⁵⁷.

Инглиз тилида ҳам сўз ясалишининг морфологик типи орқали транспозициянинг энг содда кўриниши кузатилади. Бунда транспозиция сўз ясовчи восита таъсирида асоснинг янги бир лексик-семантик майдон аъзосига айланиши орқали ўз ифодасини топади. Масалан, мевали дарахтлар экилган ер майдони номини билдирувчи *garden* сўзи *-er* ясовчиси таъсирида ушбу ер майдонини парваришловчи шахс номига айланади. Сўз ясовчи формантнинг таъсирида асос маъносининг янгилashi билан бирга унинг категориал кўчиши ҳам кўзга ташланади.

Лексик ва синтактик дериватларга хос моделлар ўзининг линияли эканлиги ва бу моделларда ҳосила структураларнинг кенгайишининг кузатилиши нуқтаи назардан бир хилдир. Бироқ конверсив моделда бунинг акси кузатилади. Чунки бу типдаги деривацион жараён линиясиз модел асосида воқеланади ва бу моделда ҳосила структуранинг торайиши ўз аксини топади. Масалан, *яшии одам – яхши, ўқувчи бола – ўқувчи // чақиш ҳаракати натижасида вужудга келадиган нарса – чақмоқ, етти кун тўлиши билан ўтказиладиган маросим – етти каби*.

Шуни таъкидлаш лозимки, лексик конверсия линиясиз модел асосида воқеланишига кўра тропли деривация билан ўхшаш бўлса ҳам, уни “А нинг Б га кўчиши орқали ўз ифодасини топадиган линиясиз моделлар” қаторига киритиб бўлмайди⁵⁸. Чунки тропли деривация орқали ўз ифодасини топадиган линиясиз моделда кенгайиш кузатилади. Масалан, кўз сўзининг метафорик қўлланиши натижасида мазкур асоснинг семантик структураси кенгайяди. Бироқ лексик конверсия жараёнида асос сифатида иштирок этадиган сўз бирикмасидаги функционал-семантик хусусиятлар ундаги компонентлардан бирига кўчирилиши эвазига тораяди. Шунга кўра бу

⁵⁷ Раҳимов А. Лексик ва семантик деривация. –Т.,2011. 113-бет.

⁵⁸ Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М.,1972.-С.368.

моделни АБ асос структурага хос функционал-семантик хусусиятларни А га кўчириш асос воқеланувчи семантик тип сифатида ажратилиши лозим.

Худди шундай хусусиятни инглиз тилидаги қуйидаги транспозитлар мисолида ҳам қайд этиш мумкин. Масалан, *moon - a natural satellite of any planet; a month* кабиларнинг метафорик қўлланиши, *crown- king or queen; cup- the drink it contains* кабиларнинг метонимик кўчиши, *tramp — a tramp, to find — a find, doctor — to doctor, love — to love, work — to work, drink — to drink* кабиларнинг конверсия асосида кўчиши, *kill two birds with one stone, cut a long story short, to kill the time* каби фразеологик бирликлар ва *the leader of hosts-king, a battle seat-a saddle, a play of swords- a battle* каби парафразаларнинг вужудга келиши мураккаб бирликларнинг семантик компрессиясига асосланади.

А.И.Смирницкийнинг фикрича, конверсиянинг бу тури тил бирликларининг парадигматик ўзгариши асосида вужудга келади ва бу ходисани содда сўзларнинг категориал ўзгариши мисолида (*love - love*), шунингдек, мураккаб структурали бирикмаларнинг (*shipwreck* - кема ҳалокати ва кеманинг ҳалокатга учраши) қўшма сўзга кўчиши орқали кузатиш мумкин (Смирницкий А.И. 1956.-С73.)

Дарҳақиқат, бундай ясамаларнинг вужудга келишида транспозициянинг ўрни, нутқ бирликларига хос структураларнинг лексиколизацияланган ҳолда бевосита тилда содир бўлиши учун имконият яратиш орқали намоён бўлади. Инглиз тилидаги *blackbird, shop-window, sunflower, bedroom, tallboy* каби қўшма сўзлар, шунингдек, *kill two birds with one stone, cut a long story short, to kill the time* каби иборалар ана шундай асосда ҳосил бўлган иккиламчи луғавий бирликлардир.

Қайд этилганлардан маълум бўладики, транспозиция ходисасини сўз ясалиши билан бир хил деб бўлмайди. Чунки бу ходиса сўз ясалишида бўлганидек, бир йўла формал-семантик ясалишга олиб келмайди. Унинг воқеланишида тил бирликларининг функционал-семантик қиёси муҳим аҳамият касб этади. Ана шунга монанд равишда лексик конверсия орқали

семантик компонентларнинг функционал фаоллигига таянувчи ҳодиса ўз ифодасини топади. Ана шу жиҳатлар бу ҳодисани кўчиш асосида содир бўлувчи семантик деривация доирасига кириувчи тропли деривация билан биргаликда транспозитив ҳодисалар каторида ўрганиш имконини беради.

Бироқ бу билан тропли деривация, яъни метафора, метонимия, синекдоха каби ҳодисалар ва лексик конверсия бир хил лингвистик шароита содир бўлади, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Чунки лексик конверсиянинг воқеланиши тил бирликларининг ситагматик шаритдаги ички алоқадорлигига таянади. Масалан, $V \rightarrow N$ моделида ёки унинг акси бўлган $N \rightarrow V$ моделида вужудга келадиган лексик конверсивлар, туб моҳиятига кўра, нарс ва ҳаракат алоқадорлиги асосида улардан бирининг, иккинчисига ўтиши мумкин бўлади. Ана шу жиҳатлар конверсия ҳодисасининг транспозиция билан боғлиқлигидан далолат беради. Тропли деривацияда эса нарс ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, ўхшашлик, бутун-бўлак муносабати имплекация жараёни воситасида белгиланади. Шунингдек, тропли деривация жараёни конверсиядан фарқли равишда муайян бир сўзнинг ички белгилари асосида содир бўлади. Масалан, *game* сўзи қуйидаги метафорик маъноларда қўлланиши мисолида тропли деривациянинг қайд этилган хусусиятга эгаллигини кузатиш мумкин: 1) *football is a game*, 2) *the shop sells games*, 3) *a game of chess*, 4) *double game*, 5) *I'll hev none of your little games*, 6) *tmake a game smb*, 7) *what a game*.

Конверсия шароитида эса ҳосила икки сўз ўртасидаги имплекацион ва функциона-семантик боғланишни идрок этиш асосида вужудга келади. Шунингдек, конверсиянинг воқеланиши икки асосда кўзга ташланади. Хусусан, биринчи ҳолатда конверсия транспозитив ёки синтактик (грамматик) ҳолда намоён бўлади. Бунда конверсияга учраган сўз фақат синтактик позиция талаби билан котегиориал жиҳатдан ўзгаради. Иккинчи ҳолатда, конверсияга учраган сўз ўзининг когнитив маъносини тубдан ўзгартирган ҳолда бошқа туркумга кўчади. Ана шу хусусиятига кўра конверсиянинг бу тури лексик конверсия ҳисобланади ва у функционал

жиҳатдан сўз ясалишига яқин туради. Демак, бу ҳодисанинг сўз ясалиши доирасида ўрганилишига сабаб бўлган тури лексик конверсиядир. Бирок лексик конверсия асосида ясама сўз мақомидаги бирликлар вужудга келса ҳам, бу ҳодисанинг содир бўлиш механизмлари икки сўзнинг семантик-синтактик компонентлари муносабати эвазига вужудга келиши нуқтаи назаридан семантик деривация тамойилларини ўзида акс эттиради.

Боб бўйича хулоса

Инглиз тилшуносликда конверсия ҳодисаси анача кенг тарқалгани боис, бу ҳодисанинг воқеланиш моделлари ва механизмлари ҳақида муайян хулосалари вужудга келган. Бирок ўзбек тилшунослигида бу ҳодиса етарлича ўрганилмагани боис, унинг лингвистик мақомини белгилаш бўйича А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмоновлар томонидан билдирилган хулосаларни эътиборга олмаганда, аниқ бир фикрлар кузатилмайди.

Бирок ҳар иккала тилда, шунингдек, рус ва бошқа тилларда вужудга келган анъанага кўра, конверсия сўз ясалишининг аффиксиз усулини тақозо этади. Бу нуқтаи назар конверсия натижасида вужудга келадиган маҳсул эътиборига кўра ўзини оқласа ҳам, аммо унинг воқеланиш қонуниятларидан келиб чиқиб баҳо берилганда изоҳталабдир. Чунки конверсия туб моҳиятига кўра транспозицион қонуниятлар талабига кўра содир бўлади. Демак, унинг лингвистик тавсифи ҳам ана шу нуқтаи назардан туриб баҳоланмоғи лозим. Ана шу жиҳатдан қаралганда конверсияни вужудга келтирувчи лингвистик шароит ҳақида қуйидгиларни қайд этиш мумкин:

1. Конверсия транспозиция қонуниятлари асосида вужудга келувчи ҳодиса бўлиб, у ўзининг содир бўлиш механизмига кўра тропи деривация билан ўхшашдир. Чунки тропи ва конверсив деривация жараёнларининг содир бўлиши кўчиш асосида воқеланади. Кўчиш эса семантик компонентларнинг функционал фаоллигига таянади. Ана шу жиҳат конверсияни семантик деривация ҳодисасига мансублигидан далолат беради.

2. Конверсия ва тропи деривация ўртасидаги ўхшашлик, айниқса метонимия билан қиёсланганда яқолроқ кўзга ташланади. Бинобарин,

метонимия ва конверсия жараёнида бу ҳодисалар таъсирига тушган объектларнинг ички алоқадорлигига таянилади. Масалан, метонимия жараёнида муайян бир сўзнинг маъно таркибида мавжуд бўлган семантик компонентларнинг макон ва замондаги алоқадорлиги асосида ҳосила вужудга келадиган бўлса (шаҳар –аҳоли), конверсия жараёнида икки хил туркумга мансуб бўлган сўзларнинг бевосита синтактик вазиятдаги алоқадорлиги эътиборга олинади ($V \rightarrow N$: ўқиган – одам).

3. Конверсия ҳодисаси кенг маънода синтактик (грамматик) ва лексик типлар асосида намоён бўлади. Синтактик конверсия гап бўлақларининг функционал комбинацияси (Бола ашула айти – Ашула бола томонидан айтилди) орқали, шунингдек, гап бўлақларининг контекст талабига кўра функционал-семантик жиҳатдан ўзгариши (ўқиган ўқдан ўзар) орқали намоён бўлади. Лексик конверсия натижасида эса синтактик вазият иштирокчилари алоҳида сўз сифатида ажралиб чиқади ва ўз асоси билан омонимияни вужудга келтиради (илмоқ (инфинитив) - илмоқ (от); love (севги) - love (севмоқ)).

4. Лексик конверсиянинг воқеланишга олиб келувчи асосий омил синтактик қуршов иштирокчилари бўлган лексик бирликлар орқали ўз ифодасини топадиган семантик қайтариқлардан бирини (плеаназмни) бартараф этиш орқали ихчам ифода тузиш мақсадидир. Зеро тилдаги мустақил сўзлар мантиқан икки катта гуруҳни ташкил қилади. Улардан бири нарса билдирувчилар бўлса, иккинчиси нарса белгисини билдирувчилардир. Ана шу мантиқий узвиликка кўра нарса белига эга бўлганидек, белги нарсалар орқали намоён бўлади. Ушбу мантиқий тамойилнинг фнқуционал-семантик талқини предикат ва аргументлар муносабати орқали изоҳланади. Масалан, love (севги) ва love (севмоқ) ўртасида ҳаракат (предика) ва унинг объекти (аргумент) ўртасидаги муносабат асосида улардан бири орқали иккинчисини англаш имконини берувчи ички алоқа мавжуд. Зеро, севги севиш ҳаракати натижасида вужудга келади. Ана шу боғлиқлик туфайли

нарс ва ҳаракт тушунчаларининг ихчам ифодаси бўлган love конверсив ҳосиласи вужудга келтирилади.

5. Лексик конверсив дериватлар семантик жихатдан гибрид структурали композит маънога эга бўлиши билан ажралиб туради. Масалан, ўзбек тилидаги *кўр* сўз сифат ва от вазифасида қўлланиш хусусиятига эга (*кўр* одам, *кўр* тутганини қўймас каби). Лексик конверсиянинг $A_j \rightarrow N$ моделида содир бўлишидан далолат берувчи *кўр* ҳосиласи орқали белги+шахс семаларининг компрессиясив ўз ифодасини топади. Худди шундай ҳолатни инглиз тилидаги $N \rightarrow V$ моделида вужудга келадиган *siki(s)* – *чанги ва чангида учмоқ* маъносидаги лексик конверсив орқали ҳам қайд этиш мумкин. Чунки *siki(s)* отининг конверсив ҳосила сифатида феълга қўчирилиши натижасида нарс+ҳаракат тушунчаларини ифодаловчи гибрид структурали композит маъно вужудга келади.

Умумий хулосалар

Деривация термини остида ўрганиладиган ҳодисаларнинг тадқиқот тарихи узок ўтмиш билан боғлиқдир. Хусусан, сўзнинг морфологик таркибини тадқиқ этилишига доир мулоҳазалар, дастлаб, қадимги ҳинд тилшунослигида юзага келган. Туркийшуносликда эса Маҳмуд Кошғарий томонидан олиб борилган тадқиқотлар мисолида ана шундай изланишлар кўзга ташланади. Европа тилшунослигида, хусусан, инглизшуносликда бу масала В. фон Гумбольдт меросида, хусусан, тил формаси ва унинг аналогик табиатига доир карашларида, Ф. де Соссюр ижодида эса синтагма ва аналогия ҳақидаги фикрларида ўз ифодасини топади. Рус тилшунослигида сўз ясалиши мустақил сўзларнинг формал белгили ва бундай белгига эга бўлмаган турларга ажратилиши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади. Айнан ана шу муносабат билан сўз таркибини ташкил этувчи формал элементлар, яъни морфемлар фарқланади.

Морфема терминнинг тилшуносликда татбиқ этилиши сўзнинг морфологик структурасини ўрганишда ўзига хос туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Зотан, ушбу термин атрофида олиб борилган илмий тадқиқотлар туфайли морфемаларнинг эркин ва боғлиқ турлари, шунингдек, аффиксал морфемаларнинг сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи ва форма ясовчи каби функционал типлари фарқланди. Ана шу асосда замонавий тилшуносликда сўз ясовчи воситалар, бошқа морфологик ҳодисалардан фарқли равишда, тилнинг лексик тизимини бойитувчи алоҳида ҳодиса сифатида ажратилишига эришилди.

Шундай бўлишига қарамасдан, сўз ясалишининг ривожини учун пойдевор вазифасини ўтаган морфологик таҳлил ясама сўз ва умуман, лисоний дериватлар таҳлилида ҳозирга қадар ўз устуворлигини сақлаб келмоқда. Ҳолбуки, сўз ясалиши таҳлилида етакчилик қилиб келаётган морфологик ясамалар тилда мавжуд бўлган деривацион ҳодисалардан биттасини тақозо этади. Чунки номинатив эҳтиёж ҳар доим ҳам ясама сўз мақомидаги бирликлар ҳисобига қондирилмайди. Зеро, сўз ясалиши билан бир қаторда,

семантик деривация ҳодисаси ҳам ана шундай эҳтиёж учун хизмат қилади. Ана шу омиллар тилшуносликда ясалиш, шаклланиш ҳодисаларини ўрганишда сўз ясалишига нисбатан кенгроқ қамровли деривацион тамойилнинг татбиқ этиш заруратини келтириб чиқарди.

Деривацион ҳодисалар ўзининг вужудга келиш манбаидан катъий назар, статик ва динамик асосда воқеланади. Айнан ана шу хусусият деривацион ҳодисаларнинг лисоний ва нутқий типларини фарқлаш учун асос қилиб олинди. Нутқий деривация лисоний деривациядан фарқли равишда динамик характерлидир. Лисоний деривацияга хос статик асос эса бу турдаги дериватларни ҳосил бўлишида иштирок этадиган элементлар комбинациясининг парадигматик талаб асосида воқеланишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам, нутқий деривацияга нисбатан, лисоний деривацияда аналогиянинг таъсирини аниқроқ илғаш мумкин.

Бу ҳодиса ўтган асрнинг иккинчи яримидан кейинги даврларда номинатив аспектда тадқиқ этиш натижалари тилдаги ясалиш жараёнини биргина ясама сўз мақомидаги бирликларни ҳосил қилиш билан чегараланмаслиги ҳақидаги ғоянинг илгари сурилишига сабаб бўлди. Дарҳақиқат, борликдаги объектларни номлаш жараёни ўта мураккаб бўлиб, бундай эҳтиёж туғилганда инсон биргина сўз ясалиш механизмларини ишга солиш билан чегараланмайди. Хусусан, тилдаги ясама сўзлар, ясама маънолар орқали намоён бўладиган тил бирликлари ана шундан далолат беради. Ясама сўзлар тилдаги формал-семантик жиҳатдан янгиланган бирликлар бўлса, ясама маънолар семантик компонентларнинг функционал фаоллиги асосида вужудга келган ясамалардир. Бундай ясамалар метафора, метонимия, синекдоха каби махсус маъно кўчиш усуллари ҳамда конверсия, лексикализация каби кўчиш билан алоқадор ҳодисалар орқали вужудга келадиган семантик дериватлар мисолида кўзга ташланади. Бу дериватларнинг кўпчилиги ташқи жиҳатдан формал-семантик ясамалардек кўринса ҳам, аслида семантик ясалиш махсулларидир. Бунинг далилини улардаги формал ва семантик қисмлар ўртасидаги номутаносиблик орқали

илғаш мумкин. Масалан, деразанинг кўзи синди, маҳаллар оёққа турди, дала маликаси – маккажухори, откулоқ – отнинг қулоғига ўхшаш ўт кабиларда формал ифода ва ҳосила маъно ўртасида номутаносиблик мавжуд.

Ўтган асрнинг иккинчи яримидан кейинги даврларда деривацион тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилган ва бу борада анчагина ютуқлар қўлга кирилган бўса ҳам, айрим изоҳталаб ўринлар кўзга ташланади. Хусусан, деривацион ҳодисаларнинг тансифи масаласида ана шундай ўринлар кўзга ташланади. Ана шуларни эътиборга олиб, А.Раҳимов ўз тадқиқотида деривацион ҳодисаларни ўзида бирлаштирувчи умумий ҳодисани “лингвистик деривация” термини билан, унинг таркибий қисмларини эса “нутқий ва лисоний” деривация термини билан фарқлайди. Мазкур тадқиқотда синтактик деривация нутқ бирликлари, жумладан, сўз бирикмалари, гап ва бошқа турдаги мураккаб синтактик қурилмалар, матнини вужудга келтирувчи ҳодисаси сифатида баҳоланади. Лисоний деривация эса морфонологик, лексик ва семантик деривациялардан ташкил топувчи ҳодисалар сифатида талқин қилинади.

Ушбу муаллифнинг фикрига кўра, лингвистик деривациянинг амалий кўлами бу билан ҳам чегараланмайди. Чунки нутқий ва лисоний деривация жараёнлари мўйян бир тилнинг ички имкониятлари доирасида содир бўлиши билан бирга, ташқи таъсир, яъни тиллар ҳамкорлигида ҳам воқеланиш хусусиятига эга. Ана шу хусусиятлар лингвистик деривациянинг тилнинг ички имкониятлари доирасида ва тиллараро таъсир асосида содир бўладиган икки турни фарқланиши учун асос қилиб олинади. Тавсия этилган бу таснифнинг муҳим жиҳати деривацион тадқиқотларнинг кўламини, тиллар ҳамкорлиги миқёсида, хусусан, сўз ўзлаштириш, калкалаб ўзлаштириш, тажима жараёнида олиб бориладиган лексик, семантик, морфологик ва синтактик трансформация жараёнлари миқёсида кенгайтириш имконини беради⁵⁹.

⁵⁹ Қаранг: Раҳимов А. Лексик ва семантик деривация муаммолари. –Т.,2011.

Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, лисоний деривация жараёнида ва умуман лингвистик деривация жараёнида амал қилинадиган алоҳида механизмлардан бири транспозициядир. Бироқ бу механизмга ҳозирга қадар олиб борилган тадқиқотларда етарлича баҳо берилмаган. Тўғри, тадқиқотларда, хусусан, лексик (сўз ясаши) ва синтактик деривация бўйича олиб борилган изланишларда транспозициянинг кўриниши бўлган конверсия хусусияда анчагина мукаммал мулоҳазалар билдирилган. Аммо бу тадқиқотларда конверсия лексик деривацияни вужудга келтирувчи ички ҳодиса, сўз яшаш усулларида бири сифатида баҳоланиши изохталабдир. Чунки транспозиция ўз номи билан кўчишга асосланувчи ҳодисадир. Кўчиш эса формал компонентлар билан эмас, балки семантик компонентларнинг функционал фаоллиги асосида содир бўлади. Ана шу жиҳатлар транспозиция ҳодисасини лексик ва семантик деривация билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Юқорида айтилганидек, сўз ясаши баҳсида семантик силжиш, кўчиш билан боғлиқ булган ҳодисалар семантик (лексик-семантик) усул доирасида ўрганилади. Бу усулнинг воқеланиши метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби ҳодисалар билан бирга конверсия орқали ўз ифодасини топиши қайд этилади. Ясашишнинг мазкур тури, кўпчилик манбаларда аффиксиз сўз ясаши тарзида ҳам талқин этилади. Бироқ бу ҳодисалар асосида вужудга келадиган дериватларнинг кўпчили контекстуал қарамликда намоён бўлади. Ана шу ҳолат уларнинг узуал ва оккоионал типларини фарқлаш масаласида мунозараларга ҳам сабаб бўлиб келмоқда. Бизнинг назаримизда, бундай баҳсларга чек қўйишнинг йўлларида бири сўз ясаши баҳсида семантик усул сифатида ўрганиб келинган ҳодисаларни туб моҳиятига эътибор беришдир. Бинобарин, бу ҳодисаларни воқелантиришда кўзланадиган асосий мақсад «сўз яшаш эмас, балки *(семаобразование) маъно яшашдир*»дир.

Кейинги йилларда олиб борилган дериватологик тадқиқотларда кўчиш билан алоқадор бўлган барча ҳодисаларни семантик деривация доирасида

бирлаштирилишининг боиси ҳам шундадир. Бинобаринт, маъно ясалиши ҳар доим сўз ясалишига олиб келади деб бўлмайди. Чунки бу турдаги ходисаларнинг воқеланишини лексик деривацияда бўлганидек, тил бирликларининг симметрик қонуниятлари ёки субординатив иерарихия билан изоҳлаб бўлмайди. Ана шу жиҳатлар кўчиш билан алоқадор барча ходисаларини транспозитив қонуниятлар билан боғлиқлигидан далолат беради. Бинобарин, транспозиция (лотинча *transposition*) тил бирликларининг “ўрнини алмаштириш, бошқа жойга кўчириш” маъносига эга бўлиб, унинг синтактик, морфологик ҳамда конверсия орқали намоён бўлиши, шунингдек, кенг маънода, ҳар қандай лингвистик форманинг (замон, майл, тусланиш ва жумлаларнинг) кўчиши, функционал ўзгариши орқали кўзга ташланиши, шу хусусиятига кўра метафора, метонимия каби маъно кўчиш усуларини ўз таркибида бирлаштириши орқали ана шу қонуният ўз ифодасини топади. Бу қонуниятнинг негизида эса тил бирликларининг функционал-семантик қиёсини ўзида акс эттирувчи асос форма, транспозитор ва транспозит ўртасидаги муносабат ётади.

Хусусан, синтактик транспозициянинг воқеланиши “жумланинг ички ўзгариши, унинг грамматик жиҳатдан қайта ташкил топиши орқали намоён бўлади: *Инженер создал машину – Машина создан инженером*”⁶⁰. Демак, синтактик транспозиция шароитида гап бўлакларининг комбинацион ўзгариши билан бир қаторда, уларнинг функционал-семантик хусусиятларида ҳам янгланиш содир бўлади. Чунки асос структурада *инженер - эга, создал – кесим, машину – тўлдирувчи* мавқеидаги бирлик бўлса, унинг транспозитив ҳолатида *создал – кесим, машина – эга, инженер – тўлдирувчи* вазифасидаги бирлик сифатида ўзгаради.

Транспозициянинг морфологик шакли тил бирликларининг сифат ўзгариши орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у тўлиқ транспозиция деб юритилади. Чунки морфологик транспозиция синтактик типдан фарқли равишда тил бирликларининг жумла таркибидаги функционал ўзгариши

⁶⁰ Мурзин Л.Н. Основы дериватологии.-Пермь,1984.-С.27.

билангина чегараланмайди, балки семантик жиҳатдан янгилашиш, ўзгариш ҳам содир бўлади. Масалан, different (фарқ) от туркумига мансуб асос структуранинг difference (фарқли) тарзида сифатга кўчишида транспозитор вазифасидаги морфологик кўрсаткич, яъни –се форманти муҳим роль ўйнаган.

Транспозициянинг конверсив типига эса, бундай морфологик кўрсаткичлар иштирок этмайди. Бундай турдаги кўчиш жараёни бевосита семантик компонентлар ўртасидаги семантик-синтактик алоқадорликка таянилади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, транспозициянинг конверсив типига предикат ва унинг аргументлари ўртасидаги боғланиш эътиборга олинади. Масалан, *He room with aunt || The man knifed his room – mate* жумласида от туркумига мансуб room сўзи орқали инглиз тилида ижарага олинadиган объект, яъни хона, уй ҳамда мазкур хона ёки уйни ижарага олиш вазиятлари ўртасидаги функционал-семантик алоқадорлик транспозициянинг соир бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида эса кўп ҳолларда лексик бирликлар ўртасида омонимия вужудга келади.

Транспозиция ҳодисаси фақат туркумлараро кўчиш орқалигина эмас, балки муайян бир туркумнинг ички кўчиши асосида ҳам содир бўлади. Шунинг учун у метафора, метонимия каби ҳодисаларни ҳам ўзида бирлаштиради. Бу ҳодисалар эса полефункционал асосли кўчишдан фарқли равишда, полесемантик сўзларга таянади. Полесемантик сўзлар муайян бир туркумга мансуб сўзнинг ички янгилашиши асосида вужудга келади.

Шундай қилиб, транспозиция ва лисоний деривация ўртасидаги муносабатни: а) асос структурага хос туркумлилик белгисининг сўз ясовчи аффикс таъсирида ўзгариши, б) тил бирликларининг конверсив кўчиши орқали янгилашиши, в) лексик бирликларининг метафора, метонимия каби маъно кўчиш усуллар асосида янгилашиши орқали қайд этиш мумкин. Ишнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда қуйида тарнспозицияни фақат бир кўринишига, яъни транспозитив конверсияга тўхталишни лозим топдик.

Инглиз тилшуносликда конверсия ҳодисаси анача кенг тарқалгани боис, бу ҳодисанинг воқеланиш моделлари ва механизмлари ҳақида муайян хулосалари вужудга келган. Бироқ ўзбек тилшунослигида бу ҳодиса етарлича ўрганилмагани боис, унинг лингвистик мақомини белгилаш бўйича А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмоновлар томонидан билдирилган хулосаларни эътиборга олмаганда, аниқ бир фикрлар кузатилмайди. Бироқ ҳар иккала тилда, шунингдек, рус ва бошқа тилларда вужудга келган анъанага кўра, конверсия сўз ясалишининг аффиксиз усулини тақозо этади. Бу нуқтаи назар конверсия натижасида вужудга келадиган маҳсул эътиборига кўра ўзини оқласа ҳам, аммо унинг воқеланиш қонуниятларидан келиб чиқиб баҳо берилганда изохталабдир. Чунки конверсия туб моҳиятига кўра транспозицион қонуниятлар талабига кўра содир бўлади. Демак, унинг лингвистик тавсифи ҳам ана шу нуқтаи назардан туриб баҳоланмоғи лозим. Ана шу жиҳатдан қаралганда конверсияни вужудга келтирувчи лингвистик шароит ҳақида қуйидгиларни қайд этиш мумкин:

1. Конверсия транспозиция қонуниятлари асосида вужудга келувчи ҳодиса бўлиб, у ўзининг содир бўлиш механизмига кўра тропи деривация билан ўхшашдир. Чунки тропи ва конверсив деривация жараёнларининг содир бўлиши кўчиш асосида воқеланади. Кўчиш эса семантик компонентларнинг функционал фаоллигига таянади. Ана шу жиҳат конверсияни семантик деривация ҳодисасига мансублигидан далолат беради.

2. Конверсия ва тропи деривация ўртасидаги ўхшашлик, айниқса метонимия билан қиёсланганда яқолроқ кўзга ташланади. Бинобарин, метонимия ва конверсия жараёнида бу ҳодисалар таъсирига тушган объектларнинг ички алоқадорлигига таянилади. Масалан, метонимия жараёнида муайян бир сўзнинг маъно таркибида мавжуд бўлган семантик компонентларнинг макон ва замондаги алоқадорлиги асосида ҳосила вужудга келадиган бўлса (шаҳар – аҳоли), конверсия жараёнида икки хил туркумга мансуб бўлган сўзларнинг бевосита синтактик вазиятдаги алоқадорлиги эътиборга олинади ($V \rightarrow N$: ўқиган – одам).

3. Конверсия ҳодисаси кенг маънода синтактик (грамматик) ва лексик типлар асосида намоён бўлади. Синтактик конверсия гап бўлақларининг функционал комбинацияси (Бола ашула айти – Ашула бола томонидан айтилди) орқали, шунингдек, гап бўлақларининг контекст талабига кўра функционал-семантик жиҳатдан ўзгариши (ўқиган ўқдан ўзар) орқали намоён бўлади. Лексик конверсия натижасида эса синтактик вазият иштирокчилари алоҳида сўз сифатида ажралиб чиқади ва ўз асоси билан омонимияни вужудга келтиради (илмоқ (инфинитив) - илмоқ (от); love (севги) - love (севмоқ)).

4. Лексик конверсиянинг воқеланишга олиб келувчи асосий омил синтактик қуршов иштирокчилари бўлган лексик бирликлар орқали ўз ифодасини топадиган семантик қайтариқлардан бирини (плеаназмни) бартараф этиш орқали ихчам ифода тузиш мақсадидир. Зеро тилдаги мустақил сўзлар мантиқан икки катта гуруҳни ташкил қилади. Улардан бири нарса билдирувчилар бўлса, иккинчиси нарса белгисини билдирувчилардир. Ана шу мантикий узвиликка кўра нарса белига эга бўлганидек, белги нарсалар орқали намоён бўлади. Ушбу мантикий тамойилнинг фнқуционал-семантик талқини предикат ва аргументлар муносабати орқали изоҳланади. Масалан, love (севги) ва love (севмоқ) ўртасида ҳаракат (предика) ва унинг объекти (аргумент) ўртасидаги муносабат асосида улардан бири орқали иккинчисини англаш имконини берувчи ички алоқа мавжуд. Зеро, севги севиш ҳаракати натижасида вужудга келади. Ана шу боғлиқлик туфайли нарса ва ҳаракат тушунчаларининг ихчам ифодаси бўлган love конверсив ҳосиласи вужудга келтирилади.

5. Лексик конверсив дериватлар семантик жиҳатдан гибрид структурали композит маънога эга бўлиши билан ажралиб туради. Масалан, ўзбек тилидаги кўр сўз сифат ва от вазифасида қўлланиш хусусиятига эга (кўр одам, кўр тутганини қўймас каби). Лексик конверсиянинг $A_j \rightarrow N$ моделида содир бўлишидан далолат берувчи кўр ҳосиласи орқали белги+шахс семаларининг компрессиясив ўз ифодасини топади. Худди шундай ҳолатни

инглиз тилидаги $N \rightarrow V$ моделида вужудга келадиган *siki(s)* – *чанги ва чангида* *учмоқ* маъносидаги лексик конверсив орқали ҳам қайд этиш мумкин. Чунки *siki(s)* отининг конверсив ҳосила сифатида феълга кўчирилиши натижасида нарса+ҳаракат тушунчаларини ифодаловчи гибрид структурали композит маъно вужудга келади.

.

Фойдалиниланган адабиётлар:

I. Ўзбекистон Республикаси Призедентининг асарлари

1. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т., 2012. 434.

II. Илмий асарлар

2. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиши.-Т.,1989.
3. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение.– М., 2010.
4. Лингвистический энциклопедический словарь. –М.,1990.
5. Мурзин Л.Н. Основы дериватологии.-Пермь,1984.
6. Ғуломов А. Содда сўзлар // Ўзбек тили грамматикаси. –Т., 1975.
7. Мирзакулов Ш.Ў. Ўзбек тилида сўз ясаиш маъноси ва парадигмаси // НДА.-Самарқанд, 1995.
8. Кубрякова Е.С. Типы языковых значений. Семантика производного слова. –М.,1981.
9. Чейф У.Л. Значение и структура языка.-М.,1975.
- 10.Мурясов Р.З. О словообразовательном значении и семантическом моделировании части речи // Вопросы языкознания., №5.1976.
- 11.Кубрякова С.Е. Характер семантических сдвигов при словообразований // Аспекты семантических исследований. – М.,1980.
- 12.Кубрякова С.Е. Язык и сознание. – М., 2005.
- 13.Гак В.Г.Сравнительная типология французского и русского языков. – Л.,1977.
- 14.Загоруйко А.Я. Конверсия – морфолого-синтаксический способ словообразования. АКД. –М.,1961
- 15.Смирницкий А.И.Лексикология английского языка.- М. , 1956.
- 16.Мешков О.Д. Словообразование английского языка. - М. , 1976..

- 17.Телегин Л.Б. Безаффиксальная транспозиция и влияние на процесс деривации в современном английском языке. –Самарканд,1992.
http://www.dissercat.com/content/bezaffiksalnaya-transpozitsiya...#_ixzz2H0lkcx3e
- 18.Байгирина А.А.Словообразование по конверсии в башкирском языке. АКД. –Уфа, 2007. [www. bashedu/ ruautoreferat| aref. 2007.](http://www.bashedu.ru/ruautoreferat/aref.2007)
- 19.Шанский Н,М. Очерки по русскому словообразованию. –М., 1968..
- 20.Голев Н.Д. Деривационная системность лексики. [www.bestdsser.com| wok| wok_21200.html.](http://www.bestdsser.com/wok/wok_21200.html)
- 21.Кодухов В. И. Введение в языкознание. – М. ,1979.
- 22.Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. -М., 1955.
- 23.Никитен М.В. Курс лингвистической семантики – С.-Петербург.,2007. –С.400-446.
- 24.Телия В.Н. Семантика связанных значений слов и их сочетаемости // Аспекты семантических исследований. - М.,1980.
- 25.Соколова Г.Г. Фразообразование во французском языке. - М.,1987.- С.8-10; 58-64.
- 26.Неъматов Х., Асадов Т., Ширинова Н. Конверсия, транспозиция ва лексикализация ҳақида//Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. –Т.,2010. .
- 27.Ўзбек тили лексикологияси. –Т., 1981.
- 28.Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.,2010.
- 29.Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси.-Т., 2006
- 30.Никитен М.В. Курс лингвистической семантики – С.-Петербург., 2007.
- 31.Қўчқартоев И. Сўз валентлиги ҳақида. ЎТА. №3.1973. 34-38-бетлар.
- 32.Никитевич В.М. Основы номинативной деривации. –Минск,1985.

33. Нурмонов А., Махмулов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тили мазмуний синтаксиси.-Т.,1992.
34. Кубрякова Е.С. Номинативные аспекты речевой деятельности.- М.,1986.-С.119.
35. Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию.-М.,1968.
36. Степанова М.Д. О “внешней” и “внутренней” валентности слова // “Иностранные языки в школе, № 6. 1973
37. Рахимов А. Лексика и семантика деривация. –Т.,2011.
38. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М.,1972.